

С.С.НИЁЗОВА, Ш.Д.ХАЙДАРОВ

**ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ
ХУҚУҚИ МОДУЛИ ТУШУНЧАСИ,
ПРЕДМЕТИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

С.С.НИЁЗОВА, Ш.Д.ХАЙДАРОВ

**ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ МОДУЛИ
ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2020

УДК: 343.8 (075.8) (575.1)

ББК:

Ўқув қўлланма Тошкент давлат юридик университети Ўқув-услугий Кенгаши томонидан 2019 йил__мартдаги -сонли баённома билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

С.С.Ниёзова, Ш.Д.Хайдаров. Жиноят-ижроия ҳуқуқи модули тушунчаси, предмети ва принциплари. Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: Б.Б.Хидоятлов –Т.: ТДЮУ нашриёти, 2020. – Б.83.

Такризчилар:

Ш.Ё.Абдуқодиров – ю.ф.д., Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши аъзоси / судья.

Х.М.Абзалова – Тошкент давлат юридик университети “Жиноят ҳуқуқи ва криминология” кафедраси катта ўқитувчиси, ю.ф.н.

Ушбу ўқув қўлланма юриспруденция йўналишида таълим олаётган талабаларга жиноят-ижроия ҳуқуқи модули учун мўлжалланган бўлиб, у ўз ичига жиноят-ижроия ҳуқуқи модули тушунчаси, предмети ва принциплари; жиноят-ижроия ҳуқуқи тизимида жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларининг тушунчаси ва моҳияти; ушбу принципларнинг бошқа принциплар билан алоқадорлиги; хорижий мамлакатлар жиноят-ижроия қонунчилиги тизимида жазони ижро этишда татбиқ қилинадиган принциплар; жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этилишидаги камчиликлар, уларни бартараф этиш чоралари ва такомиллаштириш масалаларини қамраб олган.

Ушбу ўқув қўлланма юридик олий ўқув юртларининг бакалаврият ва магистратура йўналишида таълим олаётган талабалар ва барча қизиққан ўқувчилар учун мўлжалланган.

© С.С.Ниёзова, Ш.Д.Хайдаров.

© ТДЮУ, 2020.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ХУҚУҚИ МОДУЛИ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШДА ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ ВА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШГА РИОЯ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИ	7
1.1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи модули тушунчаси, предмети ва тизими.....	7
1.2. Жиноят-ижроия ҳуқуқи принциплари ва ўзига хос хусусиятлари.....	17
1.3. Жиноят-ижроия ҳуқуқи тизимида жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларининг тушунчаси ва моҳияти.....	23
1.4. Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларининг жиноят-ижроия қонунчилиги принциплари тизимидаги ўрни ва бошқа принциплар билан алоқадорлиги	31
II БОБ. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА МАҲКУМЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШДА ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШДА ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ ВА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШГА РИОЯ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШ ТАРТИБИ	39
2.1. Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ижро этилишида жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларининг татбиқ қилиниши.....	39
2.2. Ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларининг татбиқ қилиниши.....	52
2.3. Жазони ижро этиш муассасаси ўзгартирилганда жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларига риоя этилиши.....	58
III БОБ. ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШДА ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ ВА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШГА РИОЯ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	65
3.1. Хорижий мамлакатлар жиноят-ижроия қонунчилиги тизимида жазони ижро этишда татбиқ қилинадиган принциплар.....	65
3.2. Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этишдаги камчиликлар, уларни бартараф этиш чоралари ва такомиллаштириш масалалари.....	69
ХУЛОСА	73
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	76

КИРИШ

Ўзбекистонда бугунги кундаги криминоген муҳит, рецидив жиноятчиликнинг ошиб бориши жазо институтини такомиллаштиришни, тайинланган жазодан кўзланган мақсадга ҳамда маҳкумни ахлоқан тузатишга эришиш самарадорлигини оширувчи усул ва воситаларни топишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11-августдаги ПҚ–3200-сон “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹ги, 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4006-сонли қарорлари ва 2017 йил 10-апрелдаги ПФ–5005-сон “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”²ги Фармонида ҳам бу масала хақида сўз юритилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4006-сон қарорида замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ жиноий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар:

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2017. -№ 33. 838-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2017.-№ 15. 243-модда.

– жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, тизимлаштириш ва уйғунлаштириш;

– маҳкумлар ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш;

– маҳкумлар онгида қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш;

– умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш;

– маҳкумлар, биринчи навбатда вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш;

– озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат самарадорлигини ошириш;

– жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уларнинг озодликдан маҳрум этиш жойлардан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштиришда фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш белгилаб олинди³.

Шунингдек, жазодан кўзланган мақсадга эришиш учун жиноятчиликка қарши курашиш усулларини такомиллаштириш, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситаларини самарали қўллашда маҳкумларга уларнинг содир этган қилмишининг оғирлик даражасидан, жиноятчи шахсидан келиб чиқиб ёндашиш лозим. Мазкур масалани ҳал қилишда жазони ижро этишда дифференциация ва

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон қарори.

индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларини тўлақонли татбиқ қилиш орқали эришиш мумкин⁴.

Шулардан келиб чиқиб, жиноят-ижроия ҳуқуқи модулида жазони ижро этиш тизими, шароитлари, жазони ижро этиш муассасалари тизимининг ўзгариб бориши, жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларининг жорий қилинишидаги хато ва камчиликларни топиш ва уларни бартараф этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари сифатида татбиқ қилиниши лозим.

⁴ Павлов И.Н. Принцип дифференциации и индивидуализации исполнения наказаний в уголовно-исполнительном праве. Монография. ДФ ФКОУ ВПО Кузбасский институт ФСИН России, 2012 - С. 6.

I БОБ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ХУҚУҚИ МОДУЛИ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШДА ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ ВА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШГА РИОЯ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИ

1.1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи модули тушунчаси, предмети ва тизими

Бизга маълумки, жиноят-ижроия ҳуқуқи тушунчаси бир қанча маъноларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- а) ҳуқуқ соҳаси;
- б) қонунчилик соҳаси;
- в) ўқув фани.

Ўз навбатида, жиноят-ижроия ҳуқуқи ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, мамлакатимиздаги замонавий ҳуқуқ тизимининг таркибий қисмини ташкил этади. У ҳуқуқнинг умумий назариясига мос тарзда ҳуқуққа хос бўлган зарур белгиларга эга. Бинобарин, жиноят-ижроия ҳуқуқи мустақил соҳа сифатида ўз предмети, усуллари ва вазифалари билан бошқа фанлардан ажралиб туради.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан узвий боғланган. Ҳуқуқнинг бу тармоқларини ягона умумий вазифа – жиноятчиликка қарши кураш бирлаштиради. Масалан, жиноят ҳуқуқи жазонинг мазмунини белгилаб беради, уни тайинлаш ва суд тартибида жазодан озод қилишни тартибга солади. Жиноят-ижроия ҳуқуқи эса ахлоқ тузатиш меҳнат таъсири билан боғлиқ жазонинг мазмунини ва уни ижро этиш тартибини белгилайди.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи билан ҳам ҳамкорлик қирраларига эга. Жиноят-ижроия ҳуқуқи нормалари фуқароларнинг баъзи бир ҳуқуқларини чегаралаш билан бирга (масалан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш (ЖИКнинг 21, 25-моддалари), сайлов ҳуқуқи ва ш.к.) маҳкумларнинг ўзига хос бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам белгилаб беради (ЖИКнинг 8, 13-моддалари). Жумладан, маҳкумлар жиноят-ижроия кодекси ва бошқа қонунларда белгиланган истисно ва чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси

фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи меҳнат ҳуқуқи билан ҳам боғлиқ бўлиб, яъни маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан, шунингдек жиноят-ижроия кодексида назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солинади (ЖИКнинг 88-моддаси). Масалан, жазони ижро этиш муассасаларида ўн саккиз ёшга тўлмаган маҳкумлар меҳнатидан шу тоифадаги шахсларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади (Меҳнат кодексининг 241-моддаси).

Жиноят-ижроия ҳуқуқи қонунчилик соҳаси сифатида давлатнинг олий қонун чиқарувчи органи – Олий Мажлис чиқарган қонун ва нормалар йиғиндисидан иборат бўлиб, жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари ва уларнинг вазифалари, принциплари, жазони ижро этиш асоси ва тартиби, маҳкумларни ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари ҳамда жиноят-ижроия ҳуқуқига оид муносабатлар доирасида маҳкумларга нисбатан бошқа таъсир чораларини қўллашни белгилайди.

Жиноят-ижроия қонунчилигининг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия кодексининг 2-моддасида батафсил кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: жазони ижро этишни таъминлаш; маҳкумларни ахлоқан тузатиш; жиноятлар содир этилишининг олдини олиш; маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Жазони ижро этиш шакли ва уни ижро этиш муассасасининг туридан келиб чиқиб, бу мақсадлар ва вазифалар янада аниқлаштирилиши мумкин. Масалан, озодликдан маҳрум этиш ва умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этишга қаратилган жиноят-ижроия қонунчилигининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– бу жазоларни ижро этувчи муассасаларда интизом ва қонунийликни, маҳкумларнинг, шунингдек муассаса ҳудудида жойлашган мансабдор шахслар, ходимлар ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;

– маҳкумларни меҳнатга жалб қилиш, шунингдек уларнинг умумий ва махсус таълим олишларини таъминлаш;

– маҳкумларнинг соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш;

– оператив-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашиш.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи – жазони ижро этиш ва қўллаш тартиби ҳамда шарт-шароитларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат бўлган ҳуқуқнинг мустақил тармоғи, алоҳида фан ва ўқув курси.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани тизими икки: умумий ва махсус қисмлардан иборат.

Умумий қисмда жиноят-ижроия ҳуқуқи фанининг тушунчаси, жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи органлар ҳамда улар фаолиятини текшириш ва назорат қилиш ўрганилади.

Махсус қисмда ҳар бир жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ўташ ва ижро этиш тартиби ҳамда шартлари, маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти, меҳнати ва уларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган рағбатлантириш ва интизомий чораларни қўллаш тартиби, маҳкумларни жазодан озод қилиш тартиби ўрганилади.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани предмети жиноят-ижроия кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган, барча жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ўташ ва ижро этиш тартиби, маҳкумлар ва мазкур жазоларни ижро этувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ ижтимоий

муносабатлар ташкил этади.

Жиноят-ижроия ҳуқуқининг ҳуқуқий тартибга солиш предмети деганда, жиний жазоларнинг барча турларини ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш (ўташ) жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади. Жиноят-ижроия ҳуқуқи жазони ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини, жамоатчиликни маҳкумларни ахлоқан тузатишда иштирок этишини тартибга солади.

Жиноят-ижроия ҳуқуқини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий методларидан бири бўлиб, ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг номутаносиблигини (тенгсизлигини) назарда тутувчи императив метод ҳисобланади. Бунда жиноят-ижроия ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи қоидалар қатъий талаб шаклида акс эттирилиб, ундан бирон-бир тарзда четга чиқиш мумкин эмаслигига асосланади, яъни ҳуқуқий муносабат субъектлари (иштирокчилари) қонун нормалари билан ўзларига руҳсат этилган ҳаракатларнигина амалга оширишлари мумкин. Бунда ижтимоий муносабатларга таъсир этувчи асосий восита бўлиб тақиқлар, мажбуриятлар, жазо ва бошқа ҳуқуқий чекловлар хизмат қилади. Масалан, жазони ижро этиш колонияси маъмурияти маҳкумлардан жазони ўташлари пайтида ўз мажбуриятларига қатъий амал қилишларини талаб қилишга ҳақли.

Шу билан бирга, бу жиний жазоларни ижро этиш доирасидаги ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиш жараёнида диспозитив методнинг қўлланилишини истисно этмайди. Диспозитив метод ҳуқуқий муносабат субъектларининг тенглигига асосланган бўлиб, субъектларга мустақил равишда айрим ҳаракатларни амалга ошириш ёки танлаш имконини беради. Масалан, маҳкум ёхуд бошқа шахс жазони ижро этувчи орган ёки муассаса маъмурияти ҳаракати устидан судга ва бошқа ваколатли органларга шикоят аризаси билан мурожаат этиши ёки пенсия ёшидаги маҳкум ўз хоҳишига кўра мажбурий меҳнатга жалб этилиши

мумкин.

Жиноят-ижроия қонунининг принциплари қуйидагилардан иборат:

Умумий принциплар:

1. Қонунийлик;
2. Адолат;
3. Инсонпарварлик;
4. Демократизим.

Махсус принциплар:

1. Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш;
2. Мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш;
3. Маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи принциплари жиноят-ижроия қонунида мустаҳкамланган ҳамда ҳар бир ривожланган давлатнинг жиноят-ижроия ҳуқуқига оид сиёсатининг мазмун-моҳияти, ҳозирги замон принципларини ифодалайдиган, шунингдек жазо ижросини таъминлаш ҳақидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий ва ҳуқуқий тасаввурларни акс эттирадиган етакчи қоидаларни ўз ичига камраган бўлиб, жумладан, қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизим, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принципларига асосланади (ЖИК 6-моддаси).

Қонунийлик принципи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида (29-моддаси), Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда (2-моддаси) ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор нормаларида (14, 15, 16-моддаларида) мустаҳкамлаб қўйилган. Жиноят-ижроия қонунчилигида қонунийлик

принципи куйидагиларда ифодаланади, яъни жиноят содир этиб, суд ҳукмига кўра айбли деб топилган шахснинг жазони ўташнинг барча ҳолатлари қонун билан тартибга солинади. Жумладан, ЖИКнинг 1-моддасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиши таъкидланади ҳамда жиноят-ижроия кодексининг ўзи ва унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларидан ташкил топади.

Адолат принципи маҳкумларга нисбатан адолатли муносабатда бўлишда, уларнинг шахси, ҳуқуқ ва шаънини ҳурмат қилишда, ахлоқан тузалаётган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш чоралари ва ахлоқан тuzалиш йўлига кирмаганларга эса интизомий жазоларни қўллашда одилона муносабатда бўлишда намоён бўлади (ЖИКнинг 8, 13, 44, 102, 104, 126, 157-моддалари).

Инсонпарварлик принципининг асослари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида (5-модда), “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”да (7, 10-модда) кўрсатиб ўтилган. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”нинг 10-моддасида “Озодликдан маҳрум этилган барча шахслар инсонларча муомала қилиниши ва инсон шахсига хос бўлган кадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга” деб таъкидланган. Бу нарса ЖИКнинг қатор моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган (ЖИКнинг 8, 10, 76, 77, 82-моддалари).

Охириги йилларда республикада жиноий жазони ижро этиш соҳасида инсонпарварлик принципларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2003 йилнинг 30 августдаги қонун билан жиноят-ижроия кодексининг кўплаб моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрдаги “Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида”ги Фармонидан сўнг 2003 йилнинг 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги

Қонуни билан жиноят-ижроия кодексининг ўн олтита моддасига ўзгартиш ва кўшимчалар киритилди. Бу эса, ўз навбатида, жазони ўташ шароитларини анча яхшилаш, маҳкумларни муддатидан илгари озод бўлиш ҳуқуқини берадиган моддаларни кўпайтириш, жазони ўташ жойларида яшаш тартиби ва шароитларини сезиларли даражада енгиллаштириш имконини яратди.

Демократизим принципи энг аввало, маҳкумларнинг ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилишида намоён бўлади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (6-моддаси) ва “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт” (16-моддаси)да қайд этилишича, “Ҳар бир киши қаерда туришидан қатъи назар, унинг субъектлик ҳуқуқи тан олинishi ҳуқуқига эга”. Содир этган жинояти учун шахс озодликдан маҳрум этиш ёки қамоқ жазоси ўташи оқибатида унинг эркинлиги муайян муддатга чеклансада, бироқ у ҳуқуқ субъекти сифатида ҳуқуқий, ижтимоий ҳимояга муҳтождир ва бу нарса давлат томонидан қафолатланади (ЖИК 9, 11, 13-моддаси). Бундан ташқари, жиноий жазони ижро этувчи муассасалар фаолияти очик (ЖИК 1, 99-моддаси) ва бу фаолият оммавий ахборот воситалари томонидан қонунда белгиланган тартибда ёритилиши мумкин (ЖИК 18-моддаси).

Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи маҳкумларни маълум тоифаларга бўлиш ва бу тоифаларни жазони ижро этиш жойларида алоҳида сақлашни талаб қилади (ЖИК 97-моддаси 2, 3-қ.) ва жазони ижро этиш жараёнида маҳкум шахсининг индивидуал хусусиятларини, у содир этган жиноятнинг хусусияти ва тегишли муассасаларда жазони ўташ жараёнида унинг ҳулқ-атворини ҳисобга олишдан иборат (ЖИК 45, 61-моддаси ва 17-23-боб).

Мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳкумларнинг қонунга итоаткор ҳулқ-атворини рағбатлантириш принципи маҳкумларни ахлоқан тузатишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир

махкумга нисбатан мажбурлов чоралари алоҳида-алоҳида ва ҳар бир маҳкумнинг кимлиги, унинг ёши, жинси, соғлиғи ва шу каби белгиларига қараб қўлланилади (ЖИК 44, 105, 106 ва бошқа моддалар). Маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантиришда маҳкумларнинг намунали хулқи, меҳнатга ҳалол муносабати, ички тартиб-интизомга риоя қилиш ва уни ҳурматлаш хулқлари эътиборга олинади (ЖИК 44, 61, 102-104, 113-135, 141-160-моддалари).

Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиши билан бир қаторда, Ўзбекистон ҳуқуқшунослик фанининг таркибий қисми ҳамдир. Ўтган асрнинг 30-йилларигача жиноят-ижроия ҳуқуқи (ёки бошқачароқ айтганда – ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи) фани назарий юристларнинг ҳам, амалиётчиларнинг ҳам эътиборини жалб қилмаган эди. Бу даврда жиноят-ижроия ҳуқуқини ўрганадиган фанлар қуйидагича номланар эди: пенитенциар фан, пенитенциар сиёсат, ахлоқ тузатиш-меҳнат сиёсати. 1926 йил 16 июлда Ўзбекистон ССРнинг биринчи Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодекси қабул қилинганидан кейин то республикаимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг 1997 йил 25 апрелда янги Жиноят-ижроия кодекси қабул қилингунга қадар мамлакатимизда ушбу фан ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи фани деб номланган ва ўрганилган.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани жиноят-ижроия қонунларининг ривожланиш тарихи; ҳуқуқ ва фан соҳалари; амалдаги қонунчилик; жиноят-ижроия ҳуқуқига оид нормаларни қўллаш самарадорлиги; чет давлатларнинг жиноят-ижроия ҳуқуқи ва қонунлари; халқаро жиноят-ижроия ҳуқуқи нормалари; жиноят-ижроия қонунларини қўллашнинг назарий муаммолари, жиноят-ижроия ҳуқуқи социологияси, жазони ижро этиш тартиби ва шартлари ҳамда маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва шу каби бошқа муаммоларни ўрганишга боғлиқ илмий нуқтаи назар, ғоя, тушунча ва назариялар тизимидир.

Фаннинг асосий вазифаси амалдаги қонунларни қўллаш, уларни

истикболда такомиллаштириш, самарадорлик даражасини оширишнинг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш, шунингдек жиноят-ижроия ҳуқуқига оид сиёсатни муваффақиятли ва самарали амалга ошириш мақсадида жиноят-ижроия қонунларининг тараққиётини илмий башорат қилишдан иборат.

Шундай қилиб, жиноят-ижроия ҳуқуқи фанининг предмети ҳуқуқ тармоғи бўлган жиноят-ижроия ҳуқуқи предметида кенгрок ва мураккаброкдир. Бинобарин, жиноят-ижроия ҳуқуқининг предмети жиноят-ижроия ҳуқуқига оид муносабатлар бўлса, жиноят-ижроия ҳуқуқи фанининг предметига амалдаги қонунлар, уларни ҳуқуқий қўллаш муаммолари, жиноят-ижроия ҳуқуқига оид нормалар ва уларни қўллаш самарадорлиги, жазони ижро этиш тартиби ва шартлари, жиноий жазоларнинг барча турларини ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш (ўташ) жараёнида юзага келадиган муаммолари каби масалаларни ўрганиш киради.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани фаннинг турли тармоқлари, яъни жиноий-ҳуқуқий йўналишдаги фанлар билан мустаҳкам алоқада. Жумладан, конституциявий ҳуқуқ фани бир қатор жиҳатлари билан жиноят-ижроия ҳуқуқи фанига нисбатан асос бўлувчи ҳисобланади. Зеро, жиноят-ижроия қонунчилиги, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланади.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани ва жиноят ҳуқуқи фанларининг ўзаро ҳамкорлигини шакл ва мазмун орасидаги мувофиқликка таққослаш мумкин. Негаки, ушбу фанларнинг предметлари ва методларининг яқинлиги жиноят ва жазо ҳақидаги умумий тасаввурларни беради.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи фанининг жиноят ҳуқуқи билан алоқаси ва фарқи қуйидагиларда намоён бўлади: жиноят ҳуқуқи жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари тушунчаси, мақсади ва турларини ўрганса, жиноят-ижроия ҳуқуқи мазкур жазо ва чораларни ўташ ҳамда ижро этиш тартиби ва шартларини ўрганади. Шу билан бирга,

жиноят ҳуқуқида жазодан озод қилиш турлари ва асослари ўргатилса, мазкур институтни ижро этиш тартиби айнан жиноят-ижроия ҳуқуқ томонидан ўрганилади.

Маълумки, юридик фанлар ичида **криминология фани** ҳуқуқнинг ижтимоий-ҳуқуқий соҳаси сифатида жиноят-ижроия ҳуқуқи фани билан энг кўп алоқадорликда бўлган фандир. Айнан криминология рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлиги, унинг сабаб ва шароитлари ҳақида маълумот беради, бу эса, ўз навбатида, маҳкумлар ёки муқаддам судланган шахслар ўртасида жиноят-ижроия ҳуқуқига оид нормаларнинг амал қилиш самарадорлигини аниқлаш ҳамда қонун ижодкорлиги каби ҳуқуқни қўллаш соҳаларида жиноят-ижроия ҳуқуқига оид сиёсатга тузатиш киритиш имкониятини беради. Шунингдек, криминология жиноятчилик, унинг вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларини, кўрсаткичларини, жиноятчи шахси ва жиноятларнинг олдини олишни ўрганса, мазкур фан жиноятни содир этишда айбли деб топилган шахсларни, яъни маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларга нисбатан рағбатлантирувчи ва интизомий чораларни қўллаш тартибини ўрганади. Бошқача айтганда, криминологияда умумий жиноятчилик ҳолати ўрганилади, хусусан, пенитенциар жиноятчиликнинг юзага келиш сабаблари, уларнинг олдини олиш масалалари ёритилади. Жиноят-ижроия ҳуқуқида эса чиқарилган хулосалар асосида жазони ижро этиш тизимига тегишли ўзгартиш, қўшимчалар киритилади ва ҳоказо.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи жиноят-процессуал ҳуқуқи ва **прокурор назорати** фанлари билан боғлиқлиги шу билан белгиланадики, ушбу фанлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, прокуратура ва суд органлари фаолиятини билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ўрганса, жиноят-ижроия ҳуқуқи фани юқорида айтиб ўтилган жазо ва чораларни ижро этувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва текшириш каби ижтимоий муносабатларни тадқиқ этади.

1.2. Жиноят-ижроия ҳуқуқи принциплари ва ўзига хос хусусиятлари

Жиноят ижроия ҳуқуқи мустақил фан сифатида ўрганилиб, ўзининг асосий тамойилларига ҳам эга. Жумладан, қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизим, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш тамойилларига асосланади. Бу тамойиллар ЖИКда берилган бўлишига қарамай қонунан ёритилмайди. Уларнинг моҳиятини илмий ва амалий талқин қилиш йўли билан ёритиш лозим. Жиноят-ижроия қонуни принциплари амалдаги қонунчиликда батафсил берилди, аввалги қонунчиликда фақат қонунийлик (АТМК 7-моддаси) тамойили ҳақидагина гапирилган эди. Бошқа тамойилларнинг айрим ҳолатлари ҳақида жиноят-ижроия ҳуқуқи фанида фикр юритилган эди. Янги қонунчиликда бу принциплар қонунан тизимлаб берилди. Жиноят-ижроия қонунчилиги тамойиллари алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, маҳкумларни, қонунбузарларни жазолаш орқали ахлоқан тузатишга эришиш учун айнан ижобий аҳамият касб этувчи қонун билангина эришиш мумкин. Қонун эса энг аввало махсус тамойиллар асосида тузилиши лозим. Бу тамойиллар жиноят ижроия қонунчилигининг моҳиятини белгилаб беради ва уларга:

- ҳуқуқнинг бу соҳаси, ўз навбатида, мақсадга мувофиқ йўналишларини белгилаб беради;
- жазоларни ижро этишдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш йўналишларини белгилайди;
- жиноят-ижроия қонунларининг халқаро қонунларга мувофиқлигини таъминлаш имконини яратади;
- маҳкумларнинг жазоланиш ва уларнинг инсонийлик муносабатларини тартибга солиш имкониятини яратади.

ЖИК тамойиллари ЖК тамойилларидан фаркли равишда қонунда улар алоҳида-алоҳида таърифланган эмас. Бу тамойиллар ЖК тамойиллари билан айнан ўхшаш, лекин жиноят-ижроия ҳуқуқи муносабатлари асосида намоён бўлади.

Қонунийлик принципи ҳуқуқ соҳаларининг бевосита асосини ташкил этади. Шунинг учун ҳам халқаро ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияларида ҳам бу қонун мустаҳкамлаб ўтилган (Конституциянинг 14-15-моддалари).

Қонунийлик принципи. Жиноят-ижроия қонунида қуйидагиларда ифодаланади. Жумладан, жиноят содир этиб суд ҳукмига кўра айбли деб топилган шахснинг жазони ўташининг барча ҳолатлари қонун билан тартибга солинади. Ҳаттоки маҳкумларни жазодан озод қилиш ва жазони ижро этиш муассасаларидан чиқарилиш ҳолатлари ҳам қонун билан тартибга солинади. Бундай тамойил маҳкумларни қонунларни ҳурмат қилишига ва унга бўйсунушига ўргатади. Қонунийлик принципининг бажарилишини қонун бўйича (16-17-моддалари) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда прокурор томонидан назорат қилинади.

Адолат принципи. Жиноят-ижроия қонунчилигида катта аҳамият касб этади. Жумладан, ҳар қандай маҳкум гарчанд жиноятчи бўлишига карамай адолат принципи асосида жазодан озод қилиниш имкониятига эга бўла олади. Адолат принципининг қонунга татбиқ этилиш қоидалари давлатнинг жиноят содир этган маҳкумларга нисбатан ижтимоий муносабатини англатади. Жиноят қонунчилиги нормаларида жиноят содир этган шахсларни авф этиш қонунининг сақланишининг ўзи адолат принципидан далолат беради. Шунингдек ЖИК нормаларида маҳкумларнинг ахлоқан тузатиш йўлига ўтганлиги, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини ҳамда жамият қонунларини ҳурмат ва уларни бажариш руҳида бўлганлигини исботлай олиши уларнинг шароитларини енгиллаштиришига ва ҳатто жазодан бутунлай озод бўла олишларининг қонунга киритилиши ҳам айнан адолат тамойилидан далолат беради.

Инсонпарварлик принципи. Жиноят-ижроия қонунчилигида турли хил йўналишлар ва шаклларда намоён бўлади. Жумладан, амалдаги ЖИҚда аввалги қонунчиликдан фарқли равишда маҳкумларнинг жазони ўташ шароитларига нисбатан инсонпарварлилик кенг доирада қонунлаштирилиб, бу масалалар халқаро андозаларга мослаштирилишига ҳаракат қилинди. Масалан, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг сақлаш шароитларида уларнинг ҳуқуқлари анча кенгайтирилди, тартиб турига қараб шароитлари янада яхшиланди. Вояга етмаганлар ва ҳомиладор аёллар ёки ёш боласи бор аёлларнинг жазони ўташ шароитлари имтиёзли қонунлаштирилди. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг қандай жиноят содир этишларидан қатъи назар, вояга етмаганлар ва аёлларга нисбатан бутунлай қўлланмаслиги ҳолатларининг қонунлаштирилиши айнан инсонпарварлилик тамойилидан далолат беради. Шунингдек, жазонинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда маҳкумга азоб берувчи, қийноққа солувчи ёки бошқа хилдаги маҳкумнинг шахсини таҳқирловчи ҳолатларга чек қўйиш мақсадида маҳкумларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қонунларининг киритилганлиги инсонпарварлилик тамойилининг қафолатидир. Шунингдек, маҳкумларга оила аъзолари, меҳнат жамоалари билан учрашишларининг кенгайтирилганлиги ва ҳатто жазони ўташ жойларидан ташқарида учрашишларига шароит яратилганлиги ёки телефон орқали сўзлашиб туришларини қонунга киритилганлиги ҳам инсонпарварлик тамойили маҳсулидир.

Шунингдек, маҳкумларга ўзларининг соғлиғини сақлаш юзасидан тиббий ёрдамни олиш ҳуқуқининг қонунлаштирилиши бу вақтларда иқтисодий таъминланишлари ҳам айнан инсонпарварлик тамойили асосида мустаҳкамланган. Маҳкумларнинг хоҳлаган вақтларида юридик ёрдам олиш ҳуқуқларининг қонунлаштирилиши ҳам инсонпарварлик принципи натижасидир.

Демократизим принципи. Жиноят-ижроия қонунчилиги бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ равишда тузилган бўлса ҳам, жиноят-ижроия тизимида давлат ҳокимият ва бошқарув ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирок этиши бу, албатта, жазоларни ижро этиш тизимида демократизим принципининг намунасидир. Бундан ташқари ЖИКнинг 99-моддасига биноан жамоатчилик ва фуқароларнинг маҳкумларни тарбиялашдаги иштирок этишларининг қонунлаштирилганлиги ҳам демократизим принципининг натижасидир. Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жойларида маҳкумларни отряд, бригада ёки камераларга ажратилган ҳолда сақлаш ва ўзларини ўзлари бошқариш тизимининг жорий этилганлиги асосида маҳкумлар маъмуриятга ўзларининг фикрлари ва талабларини баён қилиш имкониятлари яратилган, бу ҳам демократизим принципи натижасидир. Жазони ижро этиш муассасаларида ҳомий ташкилотлар иштирокига ҳам йўл қўйилади. Бу масала, айниқса, ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорликда иш юритилиши ҳам айнан демократизим принципини намоён этади. Бундан ташқари ЖИКнинг 79-моддасида маҳкумларнинг прокурор номига таклиф, ариза ва шикоятлари кўздан кечирилмай бир сутка муддат ичида тегишлилиги бўйича жўнатилади, дейилган. Бу ҳам демократизим тамойилининг натижасидир.

Жазони ижро этишда дифференцияция ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи. Бу принцип, айниқса, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилиги, уларнинг илгари ҳам жиноят содир этиб жазо ўтаб чиққанлиги, рецидивлиги ҳамда содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилиги бу тамойил асосида тартибга солинади. Жумладан, жазони дифференциялаш индивидуаллаштиришдан фарқ қилади. Жазони дифференциялашда маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилигига кўра бир-бирдан ажратилган

ҳолда сақлаш ва уларга ўзларининг ижтимоий хавфлилигига кўра мажбурлов чораларини қўллашни назарда тутди. ЖИКнинг 45-моддасида жазони ижро этиш муассасаларининг турлари баён қилинганки, бу айнан маҳкумларни бир-биридан ажратилган ҳолда сақлашни таъминлайди. Жазони ижро этиш муассасаларининг бу тарздаги турларидаги мажбурлов чоралари ҳам бир-биридан фарқ қилиб, бундай мажбурлаш қоидалари ЖИКнинг 17–23-бобларида баён этилган. Жазони дифференциациялаш асосида маҳкумларга қўлланиладиган тарбиявий чоралар ҳам алоҳидалаштирилади.

Жазони индивидуаллаштириш чораси ҳам маҳкумни ахлоқан тузатишга қаратилади. Маҳкумнинг ижтимоий хавфлилиги унинг содир этган жиноятининг хавфлилик даражасига қараб ажратиш, уни отряд ва бригадага тақсимлаш асосида унга нисбатан алоҳида жазони индивидуаллаштириш имкони яратилади. Шу бригада ёки отрядга тақсимланганларга нисбатан қандай чора қўллаш мумкин, қандай тарбиявий чоралар қўлланади, бу масалалар жазони индивидуаллаштириш дейилади. Шундай усул билан ҳар қандай маҳкумни алоҳида-алоҳида назорат қилиш ва ҳисобга олиб бориш имкони яратилади. ЖИКнинг 97-моддаси 3-қисмида ҳам таъкидланганидек тарбиявий ишлар индивидуал тартибда ҳам олиб борилади. Бу чораларнинг самарадорлиги ҳам айнан маҳкумларни тўғри тақсимлашга боғлиқ бўлади.

Мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш принципи. Бу принцип ҳам маҳкумларни ахлоқан тузатишда катта аҳамият касб этади. Ҳар бир маҳкумга нисбатан мажбурлов чоралари алоҳида-алоҳида қўлланилади. Унинг хусусияти ва воситаларини тўғри белгилаш асосида маҳкумларни ахлоқан тузатишига эришиш мумкин бўлади. Мажбурлов воситалари ҳам ҳар бир маҳкумнинг кимлиги, унинг ёши, жинси, ижтимоий дунёқараши, билими ва ҳаказоларга нисбатан қўлланилади.

ЖИКнинг 7-моддасида шундай дейилади: Маҳкумни ахлоқан тузатиш – унда қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришдан иборат. Шундай қилиб, сўз шахснинг ахлоқан тузатилиши ҳақида юритилади. Маҳкумларнинг асосий ахлоқ тузатишда қонун қўйидагиларни санаб ўтади: жазони ўташдаги ўрнатилган тартиб қоида (режим), тарбиявий ишлар, ижтимоий фойдали меҳнат, умумий маълумот олиш, касбий тайёргарлик ва ижтимоий таъсир чоралар. Ахлоқан тузатиш жазонинг турига ва хусусиятига, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, яъни юқорида таъкидланганидек, жазонинг дифференциация ва индивидуаллаштиришга нисбатан боғлиқ. ЖИКнинг 13, 32-моддаларида маҳкумни мажбурлов чораларига бўйсунмасликдан келиб чиқиши мумкин бўлган қонунлар киритилган. Бу ҳам мажбурлов воситаси ҳисобланади. ЖИКда бундай мажбурловчи нормаларни қўллаб учратиш мумкин. Мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш деганда, айнан ижобий характердаги мажбурлов воситалари назарда тутилади. Акс ҳолда олдинга қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди.

Маҳкумларнинг қонунга итоаткор бўлиши ва хулқ-атворини рағбатлантириш принципи. Бу принцип ҳам маҳкумларни ахлоқан тузатишда катта аҳамиятга эга бўла олади. ЖИКга биноан маҳкумларнинг намунали хулқи меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишлиги, ички тартиб интизомга риоя қилиш ва уни ҳурматлаш хулқлари қонун билан рағбатлантирилади. (ЖИК 44, 61, 102–104, 113–135, 141–160-моддалари). Агар маҳкумнинг бирорта ижобий хусусиятлари рағбатлантирилмаса, у ҳолда маҳкумни ахлоқан тарбиялашга эришиб бўлмайди. Бундай рағбатлантириш турли хил кўринишларда бўлиши мумкин. Буларга ташақкур эълон қилиш, илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш, кундалик сайр вақтини бир соатга узайтириш, маҳкумлар шароитини яхшироқ шароитларга ўзгартириш,

хатто бошқа енгилроқ жазолар билан алмаштириш ва ҳаказолар бўлиши мумкин.

1.3. Жиноят-ижроия ҳуқуқи тизимида жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларининг тушунчаси ва моҳияти

Принцип — бу муайян бир ҳужжатнинг ишлаш механизмини белгилаб берувчи қоидалар йиғиндиси. Ҳуқуқ тизими компонентлари орасида принциплар катта аҳамият касб этади. Принциплар ҳуқуқнинг мақсадини, шаклланиш жараёнини ҳамда функциясини ўзида ифода этади⁵.

Ўзбек тилининг изохли луғатида принцип деганда қуйидагилар тушунилиши белгиланган:

- 1) бирор назария, таълимот, дунёқараш ва шу кабиларнинг дастлабки, асосий қонун-қоидаси;
- 2) фаолият учун асос қилиб олинадиган бош ғоя, қонун-қоида⁶.

Фалсафа нуқтаи назаридан принцип — бу ҳулқ-атворнинг бошланғич, раҳбарий ғояси.

Ҳуқуқнинг умумий назариясида принципларга раҳбарий ғоялар, ҳуқуқий тизимнинг асосий қоидалари сифатида қаралади. Улар ҳуқуқий ислохотлар ўтказилаётганида алоҳида долзарблик касб этади, шу боис норматив хусусиятларга эга бўлиб, қонунчилик тармоғи, унинг институт ва нормалари шакллантирилишида мажбурий бўлиб қолади.

Принциплар объектив ва субъектив характерга эга. Принципларнинг **объектив характери** шундан иборатки, принциплар ўзларида жамиятдаги ижтимоий муносабатларни, жамиятдаги давлатнинг барча соҳалардаги қонунчилик доирасини, шу жумладан, жиноятчиликка

⁵ Теория государства и права: учебник. 3-е изд-е, дополн. / под ред М.Н. Марченко. — М.: Издательство ЗЕРЦАЛО, 2006. — С. 432.

⁶ Муаллифлар жамоаси. Ўзбек тилининг изохли луғати. Мадвалиев А. таҳрири остида. — Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, — 309-б.

карши курашни ҳам ўзида ифода этади. Принципларнинг **субъектив характери** шундан иборатки, аниқ шахслар доирасини белгилайди, жамият учун исбот қилиниши талаб қилинмайдиган қоидалар тизимини шакллантиради.

Т.А.Лесниевски-Костаревойнинг фикрича, жиноят ҳуқуқи каби жиноят-ижроия ҳуқуқининг принципларини шарҳлашда етарлича амалиёт шаклланган ва таъриф, албатта, қонунчиликда ўз ифодасини топиши керак⁷.

Таъкидлаб ўтилганидек, жазони ижро этишда дифференциация ҳамда индивидуаллаштиришга риоя этиш принципининг жиноят-ижроия қонунчилигида таърифи келтирилиши учун етарлича амалиёт шаклланган. Жиноят-ижроия ҳуқуқи принциплари деганда давлатнинг жиноят-ижроия сиёсатининг жазони ижро этишдаги раҳбарий тамойиллари ҳамда йўналтирувчи ғояларини тушуниш лозим⁸.

А.С.Михлин жиноят-ижроия қонунчилиги принципига қуйидагича таъриф беради: “жиноят-ижроия қонунчилиги принциплари давлатнинг раҳбарий ҳуқуқий ғоясини ҳамда жазони ижро этиш тизимида жамиятнинг муносабатини ўзида ифодаловчи қоидалар йиғиндиси”⁹.

Кўриниб турибдики, жиноят-ижроия қонунчилиги принциплари юзасидан аниқ назарий қоидалар ишлаб чиқилмаган. Мазкур ҳолат мавзунинг долзарблик жиҳатини янада оширади.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи илмий адабиётларида жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципига қуйидагича ёндашувлар мавжуд: “одиллик принципи ҳам жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципининг бир кўриниши сифатида намоён бўлади”¹⁰; “жазони

⁷ Лесниевски-Костарева Т.А. Дифференциация уголовной ответственности. Теория и законодательная практика. М.: НОРМА, 2005. – С. 99.

⁸ Уголовно-исполнительное право: учебник: В 2 т. Т. 1: Общая часть / под общ. ред. Ю. И. Калинина. – 2-е изд. испр. И доп. М. — Рязань: Логос; Академия права и управления ФСИН России, 2006. – С. 183.

⁹ Уголовно-исполнительное право: учебник для вузов / отв. ред. Михлин. А.С.–М.: Высшее образование, 2007. – С. 70.

¹⁰ Филимонова О.В. Уголовно-исполнительное право России. – М., 2004. – С.24.

ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи маҳкумни ажратиш, уни ахлоқан тузатиш, қайта тарбиялаш, қонунга итоаткор хулқ-атвор шакллантиришни ўзида ифода этади”¹¹; “жазони ижро этиш муассасаларида уларнинг турига қараб ҳамда жазо ўталишининг белгиланган шароитига қараб маҳкумларни жойлаштириш”¹² ва бошқалар.

Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи қонунчилик тармоқларидаги жиноятчиликка қарши курашни тартибга солувчи тармоқлараро принциплар — жавобгарлик ҳамда ижтимоий адолатни дифференциация ва индивидуаллаштириш ифодасидир¹³.

Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципига қуйидагича таъриф ҳам берилган: “жазони ижро этишда дифференциация шунинг англатадики, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни жойлаштиришда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси, олдинги жиноий фаолияти, айб шакли, маҳкумнинг хулқ-атвори инobatга олинган ҳолатда ажратилади. Жазони ижро этишда дифференциацияга риоя этишнинг методларидан бири — бу маҳкумларни жазони ижро этиш муассасалари турига қараб ажратишдир¹⁴.

С.М.Зубарев жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этишга “бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, бири иккинчисини тақозо этадиган, маҳкумларни ахлоқан тузатишга йўналтирилган ягона бирлик” сифатида қарайди¹⁵. Мазкур ёндашув маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситаларида янада аниқроқ

¹¹Зубкова А.И. Уголовно-исполнительное право России: теория, законодательство, международные стандарты, отечественная практика конца XIX – начала XXI века / 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2003. – С.15.

¹² Курганов С.И. Уголовно-исполнительное право. – М., 2004. – С.6.

¹³ Муаллифлар жамоаси. Жиноят-ижроия кодексига шарҳ. Масъул муҳаррир: Б.Н.Курбанов. –Т.: Адолат, 2016. – 18-б.

¹⁴ Селиверстова. В.И. Уголовно-исполнительное право России: учебник / -е изд., перераб. и доп. – М.: Норма: Инфра-М, 2010. – С.39.

¹⁵ Зубарева. С.М. Уголовно-исполнительное право. – М.: 2005. – С.16.

намоён бўлади. С.М.Зубарев, шунингдек жазони ижро этишда дифференциацияга алоҳида тўхталиб, “дифференциация маҳкумларни жазони ўташ учун жиноят ҳуқуқи ва жиноят-ижроия асосига мувофиқ гуруҳларга ажратишда муҳим аҳамият касб этади”, деб таъкидлайди¹⁶.

Кўриб турганимиздек, муаллифлар “битта тушунчага, алоҳида-алоҳида субъектлар томонидан турли хил шаклда амалга оширилишига қарамадан, иккита алоҳида ҳолатни бирлаштиришга уринишади¹⁷. Мазкур ҳолатга бошқача ёндашув М.П.Мелентьев томонидан ҳам илгари сурилган. Унинг фикрича, маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларида жойлаштиришда уларни гуруҳларга ажратишда маҳкумнинг жиноий-ҳуқуқий муносабати эмас, балки пенитенциар ёндашув ва психо-педагогик белгиларга қараб ажратиш лозим, чунки жазони ижро этишдан мақсад маҳкумни ахлоқан тузатишдир¹⁸.

РФда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор А.В.Бриллиантов дифференциацияни шартли равишда икки гуруҳга: жазони тайинлашда дифференциация ва жазони ижро этишда дифференциацияга ажратади. У ўзини фикрини шу билан асослайдики, дифференциациянинг мазкур икки шакли бир-бирини тўлдиради. А.В.Бриллиантов жазоларни ижро этишда дифференциация жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-ижроияда уни амалга оширилиши шароитидан келиб чиқиб белгиланиши лозимлигини қайд этади¹⁹.

Бизнинг фикримизча, жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципига турлича таъриф берилишининг сабаби жиноят ҳуқуқи институтининг принциплар доираси билан боғлиқ. Н.С.Маленин бу ҳолатга ойдinлик киритиш

¹⁶ Ўша манба.

¹⁷ Лесниевски-Костарева. Т.А. Дифференциация уголовной ответственности. Теория и законодательная практика. – М., 2005.– С. 29.

¹⁸ Мелентьев М.П. Классификация осужденных к лишению свободы и вопросы назначения им вида исправительного учреждения // Российской следователь – 2002. – № 3. – С.33.

¹⁹ Лесниевски-Костарева Т.А. Дифференциация уголовной ответственности. Теория и законодательная практика. – М., 2005. – С.29.

мақсадида принципларни икки гуруҳга: ҳуқуқ принципи ва қонунчилик принципига ажратади²⁰.

Ҳуқуқ принциплари қонунчилик принципларига қараганда ҳуқуқни қўллаш учун аниқроқ ва тушунарлироқ ҳисобланади. Шундай қилиб, илмий адабиётларда қуйидаги икки термин ҳам учрайди: “жазо тайинлашда дифференциация”, “жазо тайинлашда индивидуализация”²¹. Ўрганилаётган принциплар, яъни жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принциплари қонунчилик принципи характерига эга.

Шу нуқтаи назардан, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларининг моҳиятини тўлиқ англаш учун, дастлаб, уларни жазо тайинловчи принциплар, яъни жавобгарлик дифференциацияси ва жазонинг индивидуаллиги каби принциплардан фарқлаб олиш лозим.

Жазонинг дифференциация ва индивидуаллиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, мазкур иккита принцип жиноят-ижроия қонунчилигида жазоларни ижро этишда ўзига хосликни белгилашда аҳамиятли ҳисобланади. Жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўташни ташкил этиш бўйича ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хизмат қилади. ЎзР ЖИК бунинг асоси ҳисобланади. ЎзР ЖИК ва ЖК нормалари бўйича, умуман олганда, жавобгарликнинг дифференциациялиги жазони ижро этиш принципи сифатида қонунчиликда белгиланмаган. Жиноят-ижроия ҳуқуқи тадқиқотлари шуни кўрсатадики, мазкур ҳолат, одатда, ҳомиладор аёлларга ёки ёш боласи ёхуд вояга етмаган боласи бор аёлларга нисбатан жазо тайинлашда кўп қўлланилади. Айнан мана шу жойда ҳуқуқни қўллаш

²⁰ Маленин Н.С. Правовые принципы, норма и судебная практика // право. – 2006. – № 6. – С. 13.

²¹ Зверева О.Н. Реализация принципа индивидуализации наказания при исполнении лишения свободы: дис. канд. юрид. наук. – Рязань, 2005. – С. 25.

жараёнидаги жавобгарликнинг дифференциациялигини белгилаб берувчи тайинланадиган жазо тури, унинг миқдори ҳақида сўз юритилади²².

Шундай қилиб, жиноий жавобгарликнинг дифференциациялиги — бу содир этилган қилмишнинг ва маҳкумнинг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиқиб жиноят қонунидаги жавобгарликнинг алоҳидалигини белгиловчи тушунча. Кўриб турганимиздек, жиноят ҳуқуқида ҳам жиноят-ижроия ҳуқуқида ҳам дифференциация масаласи ўзига хос аҳамиятга эга.

Ўзининг вазифалари, амалга ошириш хусусияти жиҳатидан жазонинг индивидуаллиги ва жазони ижро этилишининг индивидуаллиги тушунчалари ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Жазонинг индивидуаллиги принципи жиноят ҳуқуқи ва пенитенциар тизим назариясида жазонинг дифференциациялиги принциpidан олдин мавжуд бўлган²³. Кўпчилик олимлар жазонинг дифференциациялигини принцип сифатида эътироф этмасдан, фақатгина жазонинг индивидуаллигини принцип сифатида баҳолашади. Бу жазонинг индивидуаллиги принципининг қанчалик аҳамиятлилигини кўрсатади. И.И.Карпецнинг фикрича, жазонинг индивидуаллиги принципи — бу содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини, жазо тайинлашдаги енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, жазо ва тарбияни, ва охир оқибатда, маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг ва шу жумладан бошқаларнинг янги жиноят содир этишининг олдини олишни ўзида ифода этади. Мазкур таърифдан кўришиб турибдики, айнан жиноят ҳуқуқидаги жазонинг индивидуаллиги принципи жиноят-ижроия ҳуқуқидаги жазони ижро этишда индивидуаллаштиришга риоя этиш принципини келтириб чиқаради. Маҳкумнинг ижтимоий характери ва жазони ўташдаги ҳуқуқи жазони ижро этишда индивидуаллаштиришга риоя этиш принципининг

²² Ўша манба. 119-б.

²³ Бриллиантов А.В. О соотношении индивидуализации и дифференциации наказания // Проблемы исполнения уголовных наказаний и деятельности уголовно-исполнительной системы / под ред. В.И.Селиверстова : сб. науч. трудов. – М.: ВНИИ МВД России, 2008. – С. 3.

асоси ҳисобланади. Яъни жазони ижро этишда индивидуаллаштиришга риоя этишдан кўзланган мақсадга бевосита жазо ва маҳкумни ахлоқан тузатиш чораларини бир пайтда қўллаш орқали эришилади.

Одатда аксарият олимлар жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларини алоҳида иккита мустақил принцип сифатида баҳолашади. Бу ўринда, биринчи навбатда, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларининг тушунчасини ва бир-бири билан ўзаро алоқасини аниқлаб олиш лозим.

Энциклопедик луғатга биноан, дифференциация (лотинча — differentia — ҳар хиллик) бутунни шакл ва даражасига қараб бўлақларга ажратишдир. Жазони ижро этишда дифференциация, айникса, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этишда, маҳкумларнинг тоифасидан келиб чиқиб, жазони ижро этиш муассасаларида сақлаш, уларни кўчириш, муддат, сақлаш шароити ички идоравий хужжатлар (одатда, ички ишлар вазири буйруқлари) билан тартибга солинади. Дифференциациянинг расмий икки хил шакли бор:

биринчидан, маҳкумни сақлаш шароити билан боғлиқ ҳолда ажратиш;

иккинчидан, маҳкумнинг жазони ижро этиш жараёнидаги хулқи билан боғлиқ ҳолда ажратиш. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дифференциация белгилари индивидуализациянинг белгиларидан келиб чиқиб белгиланади. Жазони ижро этишда дифференциациянинг аҳамияти маҳкумларнинг тоифаси билан боғлиқ.

Дифференциация тушунчаси профессор Н.А.Стручков томонидан шарҳланган. Унинг таърифича, жазони ижро этишда индивидуаллаштиришга риоя этишни амалга ошириш учун барча маҳкумлар учун ёки муайян тоифадаги маҳкумлар учун жазо ва ахлоқ тузатиш воситаларини ажратиш (дифференциация) лозим. Мазкур ҳолат шу билан изоҳланадики, ҳар битта маҳкум учун алоҳида тизим ишлаб

чиқишнинг иложи йўқ ва шу сабабли маҳкумлар жазони ижро этиш жараёнида муайян тоифа, гуруҳларга ажратилади (дифференциация).

Жазони ижро этишда дифференциация шуни билдирадики, маҳкумларнинг турли тоифаларига, содир этилган жиноятларининг ижтимоий хавфлилиқ хусусияти ва оғирлигидан, жазони ўташ жараёнидаги ҳуққидан келиб чиққан ҳолда мажбурлов ҳамда ҳуқуқларни чеклаш чоралари турли ҳажмда қўлланинилади. Мазкур принцип, жумладан, маҳкумларнинг турли тоифалари, шунингдек, жазо ўташнинг ҳар хил шароитлари мавжуд бўлган ахлоқ тузатиш муассасаларининг турларини белгиловчи ЖИКнинг 45-моддасида ифодаланган.

Шунингдек, маҳкумлар билан тарбиявий ишлар ҳам, муассаса тури ва жазо муддати ва сақланиш шароитларини ва, шубҳасиз, маҳкумнинг шахсига хос хусусиятларни инобатга олиб табақалашган ҳолда ташкил этилади (ЖИКнинг 97-моддаси тўртинчи қисми).

Шундай қилиб, жазони ижро этишда дифференциацияга риоя этиш тушунчасини қуйидагича айтиш мумкин: жазони ижро этишда дифференциация бу маҳкумларни жиноят-ҳуқуқий, криминологик, педагогик, психологик белгиларига қараб улар учун жазони ижро этишнинг турли шароитларини яратиш мақсадида қонуний турдош гуруҳларга ажратишдир.

Жазони ижро этишни индивидуаллаштириш принципи маҳкумнинг шахси ва ҳуққ-атворига хос индивидуал хусусиятларни чуқур ўрганишга асосланади. Масалан, мазкур принцип мустаҳкамланган ЖИКнинг 7-моддаси учинчи қисмида ахлоқ тузатиш воситалари содир этилган жиноят, шахснинг жазоланиш тури, ҳуққининг характери ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олган ҳолда қўлланилиши белгиланган. ЖИКнинг 97-моддаси учинчи қисмида тарбиявий ишлар индивидуал шаклда ҳам олиб борилиши таъкидланган²⁴.

²⁴Муаллифлар жамоаси. Жиноят-ижроия кодексига шарҳ. Масъул муҳаррир: Б.Н.Курбанов. –Т.: Адолат, 2016. – Б.18.

Жазони ижро этишда индивидуаллаштиришга риоя этиш, жараён сифатида, энг аввало, маҳкумнинг шахсини, хулқини таҳлил қилиш ва унга баҳо беришда ифодаланadi. Яъни аниқ битта маҳкум билан ишлаш тушунилади. Жазони ижро этишда индивидуаллаштиришга риоя этиш жазони ўташ бошланганидан то у ўтаб бўлингунича узлуксиз амалда бўладиган жарёнди. Шундан келиб чиқиб, жазони ижро этишда индивидуаллаштиришга риоя этиш — бу маҳкумнинг хулқи, ижтимоий хавфлилиқ даражасидан келиб чиқиб, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкум билан ишлашни белгиловчи жиноят-ижроия ҳуқуқи муносабатларни, жазони ижро этиш муассасаларидаги жазони ижро этиш тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатларни белгиловчи тизим. Ўзининг йўналиши ва таркиби жиҳатидан жазони ижро этишда дифференциация ва жазони ижро этишда индивидуализация принциплари бир-бирига яқин. Шу сабабли ҳам жиноят-ижроия қонунчилиги (ЖИКнинг 6-моддаси) мазкур икки принципни, олимлар томонидан алоҳида мустақил принцип сифатида эътироф этилишига қарамасдан битта принцип сифатида белгилаб қўйган.

Жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принциплари тармоқлараро принцип бўлиб, у жиноятчиликка қарши курашни ҳамда ижтимоий адолатни ўзида ифода этади²⁵.

1.4. Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларининг жиноят-ижроия қонунчилиги принциплари тизимидаги ўрни ва бошқа принциплар билан алоқадорлиги

Жиноят-ижроия ҳуқуқи, бошқа ҳуқуқ тармоқлари сингари жиноят-ижроия ҳуқуқи мазмун моҳиятини ўзида ифодаловчи принциплар

²⁵ А.А.Шамансуров. теоретические и прикладные проблемы модернизации пенитенциарной системы. – Т.: Fan va texnologiya, 2015. – С. 117.

тизимига эга. Жиноят-ижроия ҳуқуқи принциплари нафақат ҳуқуқни қўллаш шаклини, шу билан бирга маҳкумни ахлоқан тузатиш воситаларини ҳам ўзида ифодалайди.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи принциплари тизими деганда жиноят-ижроия ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи, унинг мазмун-моҳиятини ўзида тўла акс эттирувчи принциплар йиғиндиси тушунилади. Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилиги принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси қоидаларига асосланган.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи назариясида изланиш олиб борган олимлар томонидан жиноят-ижроия қонунчилиги принциплари бўйича муайян мезонлар ишлаб чиқилган. Мазкур мезонлар бўйича жиноят-ижроия ҳуқуқи принциплари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- жамият ва давлатнинг жиноятчиликка бўлган муносабати, маҳкумларнинг қонун ҳужжатларига нисбатан муносабатини ифодалаши лозим;

- ўз мазмун моҳияти юзасидан қонунчиликка тўла мос бўлиши;

- судлар, жиноят ижроия тизим ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилиши;

- жиноят-ижроия тизимини бирлаштиришга ва аниқ йўналтиришга хизмат қилиши;

- жиноятчиликка қарши курашни ўзида ифодаловчи қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши;

- жиноят-ижроия ҳуқуқи тизими нормаларини аниқлаштириши;

- жиноят-ижроия қонунчилиги бўшлиқларидан ҳуқуқни қўллаш жараёнида тўғри фойдаланишни таъминлаши лозим.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари принципларида ҳуқуқнинг умумий принциплари, жиноятчиликка қарши курашни тартибга солувчи

ҳуқуқ тамоклари принциплари, шунингдек ҳуқуқнинг ушбу тармоғидаги принциплар ўз ифодасини топган. Улар биргаликда:

биринчидан, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг мазмунини;

иккинчидан, қонунчилик ва фаннинг ушбу тармоғи ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаб беради;

учинчидан, жазоларни ижро этиш чоғида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилигини таъминлайди;

тўртинчидан, улар халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган маҳкумлар билан муомала қилишнинг умумий талабларини акс эттиради;

бешинчидан, миллий қонунчиликнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасини тартибга солувчи конституциявий принципларнинг амалга ошишини таъминлайди.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг принциплар тизими Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 6-моддасида келтириб ўтилган. Мазкур модда қонундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг принциплари икки гуруҳга бўлинади: умумий ҳамда махсус принциплар. Умумий принципларга қуйидагилар киради: қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизим принциплари. Махсус принципларга қуйидагилар киради: жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш, маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принциплари.

Бу ерда, энг аввало, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларининг жиноят-ижроия ҳуқуқи принциплари тизимида тутган ўрни ва бошқа принциплар билан ўзаро алоқадорлигини аниқлаш лозим.

Қоидага кўра ҳуқуқ тизими ва унинг принципларини шакллантиришда, биринчи ўринда қонунчиликнинг моддий ҳуқуқни ўзида ифодаловчи объектив жиҳати туради. Шу билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқ

принципи ва ҳуқуқий принцип тушунчалари бир-биридан фаркланади²⁶. Қоидага кўра ҳар қандай ҳуқуқий принциплар ҳуқуқни англашдан келиб чиқади, айнан шу жараён ҳуқуқ ижодкорлигини вужудга келтиради. Ҳуқуқ нормаларини белгилаш, янги ижтимоий муносабат ва янги ижтимоий таркибни вужудга келтиради²⁷. Янада аниқ фикрни Н.А.Беляев илгари суради. Унга кўра, “ҳар қандай ҳуқуқ принципи ҳуқуқий принцип, аммо ҳар қандай ҳуқуқий принцип ҳуқуқ принципи бўла олмайди”²⁸.

Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларини, бизнинг фикримизча, ҳам ҳуқуқ принципи, ҳам ҳуқуқий принцип сифатида баҳолашимиз мумкин. Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи ҳуқуқий принцип сифатида ҳуқуқ тизимини белгилашда, жиноят-ижроия ҳуқуқи мазмуни ва ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида ўз ифодасини топади. Жазони ижро этишда, дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи ҳуқуқ принципи сифатида ҳуқуқ тизимини белгилашда жиноят-ижроия ҳуқуқи тизимида ҳуқуқни қўллаш жараёнини ифодалайди. Жазони ижро этишда, дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи ҳам ҳуқуқ принципи, ҳам ҳуқуқий принцип сифатида жиноят-ижроия қонунчилиги (ЖИКнинг 6-моддаси)да, шунингдек маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларида ажратилган ҳолда сақлаш шароити билан боғлиқ қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларини жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари принциплари тизимидаги ўрни ҳақида гапирилганда, эътиборни принциплар иерархиясига эмас, балки жиноят-ижроия қонун ҳужжатларидан кўзланган мақсадга қаратиш лозим. Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи

²⁶ Байдаков Г.П. Система основных принципов процесса исправления и перевоспитания осужденных: учебное пособие. – М.: ВНИИ МВД, 2001. – С.56.

²⁷ Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть: курс лекций. – М.: БЕК, 2006. – С.46.

²⁸ Беляев Н.А. Уголовно-правовая политика и пути ее реализации. – Л., 2006. – С.32.

жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари принциплари сифатида принциплар тизимида ўз ўрнига эга бўлиб, у жазони ўташ жараёнида маҳкумлар билан ишлашни таъминлайди. Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи жиноят-ижроия ҳуқуқининг деярли барча нормаларини бир тизимга солиб, жазодан кўзланган мақсадга эришишга хизмат қилади.

Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг ҳар бир принципи билан узвий алоқадор. Жумладан, қонунийлик принципи. Қонунийлик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 ва 15-моддаларида, шунингдек бир қатор халқаро ҳужжатларда, жумладан, Инсон ҳуқуқари умумжаҳон декларацияси (29-модда), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (2-модда), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилувчи Европа конвенцияси (11-модда)да ўз ифодасини топган. Маҳкумни ҳуқуқий ҳолатини ўзгартириш (масалан, жазони ижро этиш муассасасини ёки жазони ўташ шароитини ўзгартириш)да қонунийлик принципига тўла риоя этиш талаб этилади. Қонунийлик принципининг жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципига бевосита таъсирини жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида кўриш мумкин.

Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи асосан жавобгарлик ва жазонинг одиллиги принципи билан боғлиқ.

Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципини жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқидаги адолат принципи билан ўзаро яқинлигини ажратиб олиш лозим. Маълумки, адолат принципи бир пайтни ўзида ҳам умумий, ҳам хусусий характердаги принцип ҳисобланади. Н.В.Угольникова жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи

адолат принципининг жиноят-ижроия қонунчилигидаги кўриниши деб баҳолайди²⁹.

Адолат принципи Жиноят-ижроия кодексида алоҳида таърифи келтирилмаган бўлишига қарамадан, ўзига хос алоҳида аҳамиятга эга. Чунки адолат принципи жазони ижро этишнинг одиллигини таъминлаб беради. Маҳкумлар ўзининг ҳолатидан келиб чиқиб, адолат принципига кўпроқ таянишади ва амал қилишади. Адолат принципининг маҳкумларга ҳар қандай ҳуқуқ нормаси ёки ҳуқуқ-атвор қонундан кўра таъсир этиш кучи юқори³⁰.

Адолат – маънавий-ахлоқий категория. У ҳаракат ва ҳаракатсизлик, жиноят ва жазо ўртасидаги боғлиқликни таъминлаб беради. Адолат нафақат ҳукм чиқаришда, балки жамиятда маънавий ва ахлоқий муносабатни шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Суд ҳар доим адолатли жазо тайинлаши учун Жиноят кодекси жазо тайинланишини, унинг ҳаққонийлигини, жазонинг адолатлигини ҳамда дифференциация ва индивидуализация принципларига риоя қилинган ҳолда жазо тайинланишини белгилаб қўйган³¹. Мазкур ҳолатда, адолат принципи жиноят-ҳуқуқий аҳамияти жиҳатидан шахс ва жамият манфаатлари, тенглик, жавобгарликнинг дифференциациялиги ва индивидуаллигини ўзида ифода этади³². Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назардан олиб қараганда, адолат принципи тўғри жазо тайинлашнинг асоси бўлса³³, жиноят-ижроия ҳуқуқи нуқтаи назардан маҳкумга нисбатан жазони ижро этиш шартларини тўғри танлаш асоси ҳисобланади. Таъкидлаб ўтилганидек, одиллик принципи катта аҳамиятга эга бўлиб, у нафақат

²⁹Чубраков С.В. Дифференциация и индивидуализация исполнения наказания как принцип уголовно-исполнительного права: проблема интерпретации в современной науке. Уголовная юстиция. Russian Journal of Criminal law. – 2014. – № 2(4).

³⁰Байдаков Г.П. Система основных принципов процесса исправления и перевоспитания осужденных : учебное пособие. – М.: ВНИИ МВД, 2001. – С. 34.

³¹Шайнсламова О.В. Назначение осужденным к лишению свободы вида исправительного учреждения : дис... кан. юрид. наук. – Саратов, 2005. – С. 123.

³²Лесниевски-Костарева Т.А. Дифференциация уголовной ответственности. Теория и законодательная практика. – М., 2005. – С.91.

³³Кругликов Л.Л., Васильевский А.В. Дифференциация ответственности в уголовном праве. – СПб., 2001. – С. 73.

жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этишда, шу билан бирга, жиноят-ижроия ҳуқуқи таркибидаги барча ижтимоий муносабатлар (маҳкумларга қўлланиладиган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари, жазони ижро этиш муассасаларини ўзгартириш ва бошқалар) ни ҳам қамраб олади.

Маҳкумларнинг ҳар қандай ҳолатда ўзларининг муаммолари юзасидан шикоят, таклиф, ариза билан тегишли органга ёки мансабдор шахсга мурожаат қила олиш мумкинлиги ҳуқуқининг мавжудлиги жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципининг инсонпарварлик принципи билан боғлиқлигини кўрсатади.

Маҳкумларни ахлоқан тузатишда жамоатчиликнинг жалб қилиниши жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципининг демократизим принципи билан тўғридан тўғри алоқадорлигини кўрсатади. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни тарбиялашда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда иштирок этадилар.

Мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш принципи жазони ижро этиш жараёнида жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципига бевосита қўмаклашувчи принцип бўлиб, мазкур принцип маҳкумлар билан ишлашда уларнинг шахсини ўрганиб (индивидуализация) унга тегишли мажбурлов воситаларини қўллашда ишга тушади.

Аксарият олимлар (В.Б.Малинин, Н.В.Угольников, А.А.Зубков, С.М.Зубарев, В.И.Селиверстов, Е.Н.Казакова, В.Д.Курганов ва бошқалар) жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципини ҳам жиноят ҳуқуқи, ҳам жиноят-ижроия ҳуқуқи принципи сифатида этироф этишади³⁴.

³⁴ [http: // www.studme.org](http://www.studme.org) / Румянцев. М.С. Статья: Принципы уголовно-исполнительного законодательства.

Кўриб турганимиздек, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи жиноят-ижроия қонунчилиги принциплари тизимида ўзига хос ўринга эга бўлиб, мазкур принцип жиноят-ижроия қонунчилигининг бошқа принциплари билан бевосита боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи конституциявий, халқаро пенитенциар ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси махсус қисми нормаларини қўллашда бевосита ҳамда билвосита иштирок этиши билан характерланади.

Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципининг жиноят-ижроия қонунчилиги принциплари тизимидаги ўрни ҳақида қуйидаги тўхтамларга келдик:

1. Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи жиноят-ижроия қонунчилигининг махсус принципи ҳисобланади;

2. Мазкур принцип жиноят-ижроия қонунчилигининг бошқа принциплари билан бевосита боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради;

3. Мазкур принцип ЖИКнинг махсус қисми нормаларинини амалга ошириш механизминини белгилайди;

4. Мазкур принцип жазодан кўзланган мақсадга эришиш йўлида асосий восита ҳисобланади.

II БОБ. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА МАҲКУМЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШДА ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШДА ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ ВА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШГА РИОЯ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ижро этилишида жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларининг татбиқ қилиниши

Жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принциплари жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ва хусусий белгиларига қараб ажратишни таъминлайди. Маҳкумнинг хулқи, ижтимоий хавфлилик даражаси маҳкумга дифференциациявий ва индивидуал ёндашувнинг асоси ҳисобланади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этишда қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- маҳкумларнинг бир-бирига салбий таъсирининг олдини олиш. Маҳкумлар 39 % ўзига нисбатан бошқа маҳкумларнинг салбий назоратини ҳис қилади;
- маҳкумларни тоифасига қараб бир-биридан ажратилган ҳолда сақлаш;
- турли тоифадаги маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган жазоларнинг дифференциациялиги;
- жазони ижро этиш муассасаларининг ихтисослашуви;
- салбий хулқи ва ўта хавfli рецидивист маҳкумларга нисбатан жазони ижро этиш назоратини кучайтириш;
- жазони ўташ учун шароит яратиш.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этишда, маҳкумларнинг дастлабки таснифланиши суд томонидан белгиланади. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади³⁵.

Суд ҳукмда тайинланган жазонинг миқдори билан бирга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддасига мувофиқ жазо ўталиши лозим бўлган жазони ижро этиш муассасаси турини ҳам кўрсатиб ўтади.

Жиноят-ижроия қонунчилигига мувофиқ маҳкумни жазони ижро этиш муассасасига жойлаштириш билан боғлиқ. Бунда маҳкум содир этган ижтимоий хавфли қилмиши, айб шакли, олдинги содир этган жинояти, ёши, жинси, соғлиғидан келиб чиқиб ажратилади³⁶.

Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандартларининг 67-моддасига мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ижросини таъминлашда, маҳкумларга дифференциация ва индивидуал ёндашувдан кўзланган мақсад куйидагилардан иборат:

- хулқи ёмон, жиноий фаолият билан анчадан бери шуғулланиб келган маҳбусларни бошқа маҳбусларга салбий таъсир кўрсатишини олдини олиш мақсадида уларни бошқа маҳбуслардан ажратиш;

- маҳбусларни жамиятга қайта мослаштириш учун улар билан ишлашни енгиллаштириш мақсадида уларни алоҳида-алоҳида тоифаларга ажратиш³⁷.

Халқаро нормалар жиноят-ижроия қонунчилигида нафақат мустаҳкамланган (ЖИКнинг 45-моддаси), балки, шу билан бирга

³⁵ <http://www.lex.uz/> / Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54-модда иккинчи қисми.

³⁶ Мелентьев М.П. Классификация осужденных к лишению свободы и вопросы назначения им вида исправительного учреждения // Российский следователь. – 2002. № 3. – С. 28.

³⁷ Минимальные стандартные правила обращения с заключенными // Защита прав человека в местах лишения свободы : сборник нормативных актов и официальных документов. – М.: ИД Юриспруденция, 2003. – С. 51.

ривожлантирилган (ЖИКнинг 58-модда). ЖИКнинг 58-моддасида қандай тоифадаги маҳкумлар ажратилган ҳолда сақланиши белгиланган.

Жазони ижро этиш муассасаларида эркаклар ва аёллар, вояга етмаганлар ва катта ёшлилар, озодликдан маҳрум этишга биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ва илгари бу жазо турини ўтаган маҳкумлар алоҳида-алоҳида сақланади.

Қуйидагилар бошқа маҳкумлардан батамом ажратилиб, шунингдек алоҳида-алоҳида сақланади:

ўта хавфли рецидивистлар;

умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган маҳкумлар;

маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

суд ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органларнинг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар;

турли юқумли касалликларга чалинган маҳкумлар.

М.П.Мелентьевнинг фикрича, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этишда маҳкумларни таснифлаш деганда маҳкумнинг ёши, жинси, психологик ҳолати, содир этган ижтимоий хавфли қилмишининг оғирлик даражаси, муқаддам судланганлик ҳолати ва бошқа белгиларига қараб турдош гуруҳларга ажратган ҳолда жазони ижро этиш муассасаларига жойлаштириш тушунилади³⁸.

Илмий адабиётларда маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жойлаштиришда бир неча таснифлар келтирилган. Жумладан:

- 1) жиноят-ҳуқуқий;
- 2) жиноят-ижроия;
- 3) криминологик;
- 4) педагогик;
- 5) психологик ва бошқалар.

³⁸Мелентьев М. П. Классификация осужденных к лишению свободы и вопросы назначения им вида исправительного учреждения // Российский следователь – 2002. – № 3. – С. 28.

Озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо ижроси ЖИЭМлар томонидан амалга оширилади.

ЖИЭМларга қуйидагилар киради:

жазони ижро этиш колониялари;

тарбия колониялари;

турмалар³⁹.

Жазони ижро этиш колониялари вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган бўлиб, қуйидагиларга бўлинади:

манзил-колониялар;

умумий тартибли колониялар;

қаттиқ тартибли колониялар;

махсус тартибли колониялар.

Ҳар бир колония тури маҳкумнинг тоифасидан келиб чиқиб (содир этган жинояти, ёши, соғлиғи, жинси ва ҳ.к. белгилари асосида ажратилиш) ўз ичида маҳкумлар сақланиши учун мўлжалланган турларга бўлинади (дифференциация). Жумладан, **манзил-колониялар** қуйидагиларга бўлинади:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колониялар;

умумий, қаттиқ тартибли колониялардан, шунингдек тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил-колониялар.

Манзил-колонияларга қуйидагилар ўтказилмайди:

ўта хавfli рецидивистлар;

узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар;

³⁹[http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) / Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғига ИЛОВА: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб Қоидаларининг 2-банди.

юқумли касалликларга чалинган беморлар;
мажбурий даволанишдан ўтаётган маҳкумлар;
меҳнатга қобилиятсиз маҳкумлар.

Манзил-колонияларда маҳкумлар:

соқчисиз, аммо назорат остида сақланадилар;

эрталаб ўриндан туришдан кечки ётишгача бўлган вақт мобайнида
колония ҳудуди доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар;

агар улар бажараётган иш ёки олаётган таълим тақозо этса,
маъмуриятнинг рухсати билан колония ҳудудидан ташқарида назоратсиз
юришлари мумкин;

фуқаролар киядиган кийимда юрадилар;

ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, пулдан
чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин;

чекланмаган миқдорда телефон орқали сўзлашишлари, посилка,
йўқлов ва бандероллар олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин.

Умумий тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинади:

оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан
маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган колониялар;

ўта оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан
маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган колониялар;

оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум
этишга ҳукм қилинган аёллар сақланадиган колониялар, ЖИКнинг 48-
моддасида кўрсатилган аёллар бундан мустасно.

Умумий тартибли колонияларда жазони:

мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;

ЖИКнинг 129-моддасида назарда тутилган ҳолларда тарбия
колонияларидан ўтказилган маҳкумлар;

суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида
ўтказилган маҳкумлар;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган маҳкумлар ўтайдилар.

Қаттиқ тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинади:

илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун яна судланган эркаклар сақланадиган колониялар;

илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ўтаган ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар сақланадиган колониялар.

Қаттиқ тартибли колонияларда жазони:

мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;

турмалар ва махсус тартибли колониялардан рағбатлантириш тарзида ўтказилган маҳкумлар;

суд тайинлаган турма қамоғи муддатини ўтаганидан сўнг турмалардан ўтказилган маҳкумлар;

суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар ўтайдилар.

Махсус тартибли колониялар озодликдан маҳрум қилиниб, ўта хавфли рецидивист деб топилган эркакларни, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Махсус тартибли колонияларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган эркаклар ҳам сақланади.

Махсус тартибли колонияларда жазони:

мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;

умрбод озодликдан маҳрум қилинганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар;

суд томонидан қаттиқ тартибли колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар ўтайдилар.

Тарбия колониялари вояга етмай туриб жиноят содир этган маҳкумларни сақлашга мўлжалланган.

Тарбия колонияларида:

ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар каттароқ ёшдаги маҳкумлардан;

биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланадилар.

Ўн саккиз ёшга тўлган ва тарбия колонияларида қолдирилган маҳкумларга вояга етмаган маҳкумлар учун белгиланган нормаларда овқат, уст-бош, моддий-маиший таъминот ва бошқа жазо ўташ шароитлари татбиқ этилади. Бу шахсларнинг меҳнат шароитлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Тарбия колонияларида маҳкумлар ЖИКнинг 102-моддасида назарда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари:

ЖИЭМ ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган маданий-томоша ва спорт тадбирларини кўришга юбориш;

қисқа муддатли учрашув ўрнига ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари кузатувида саккиз соатгача бўлган муддатга эркинликка чиқариш;

ҳибсхонада бўлиш муддатини қисқартириш ва ундан муддатидан илгари озод қилиш тариқасида рағбатлантирилишлари мумкин.

Жазони ўташ тартибини бузганлиги учун тарбия колонияларида маҳкумларга ЖИКнинг 105-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари томошага боришдан бир марта маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин.

Турмалар турма қамоғига ҳукм қилинган шахсларни, шунингдек умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан жазони ўташ тартибини

ашаддий бузганлиги учун ўтказилган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган.

Турмаларда жазони:

мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;

суд томонидан жазони ижро этиш колонияларидан ўтказилган жазо ўташ тартибини ашаддий бузувчилар ўтайдилар.

Турмаларда маҳкумларни енгиллаштирилган сақлаш шароитига муддатидан олдин ўтказишга йўл қўйилмайди, маҳкумни соғлиғига кўра тегишли тиббий хулоса асосида ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

Ҳомиладор аёллар ва ёнида эмизикли боласи бор аёллар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари турмаларда жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитида ўтайдилар.

Турмаларда маҳкумлар умумий камераларда сақланадилар. Алоҳида ҳолларда маҳкумнинг батамом ажратиб қўйилишини таъминлаш мақсадида ЖИЭМ бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида уни бир кишилик камерада сақлашга йўл қўйилади.

Турмада маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фоизигача бўлган суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин⁴⁰.

Барча ЖИЭМларда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш ЖИКнинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

ЖИЭМларнинг ички турларга бўлиниши бу ЖИЭМда дифференциация принципининг татбиқ қилинишининг амалда қўлланлишини кўрсатади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ЖИЭМда дифференциация принцигига риоя қилинади. Барча ЖИЭМларда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш ЖИКнинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда, амалга оширилиши индивидуализациянинг кўринишларидан бири ҳисобланади.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғига ИЛОВА: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб Қоидаларининг IV боби.

Маҳкумларни озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ижро этишда жазони ижро этиш муассасаларида жойлаштиришда бир қанча институтлар ва жиноят қонунчилиги нормаларига риоя қилинган ҳолда қуйидагича таснифланади: жиноятларнинг таснифланиши (ЖК 15-моддаси); рецидив, хавфли ва ўта хавфли рецидивистлар (ЖК 34-моддаси); жиноий жавобгарликка тортилиш ёши (ЖК 17-моддаси); вояга етмаганлар жиноятининг хусусияти ва жазо тизими (ЖК 81-моддаси); айб шакли (ЖК 20-моддаси); озодликдан маҳрум қилиш муддати ва шакли (ЖК 50-моддаси); судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти (ЖК 77-моддаси); умрбод озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 51-моддаси).

Жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилиги биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳкумларни бир неча бор судланган маҳкумлардан ажратишни лозим деб ҳисоблайди. Бунга сабаб бир неча бор судланган маҳкумларда криминал тажриба шаклланганлиги ва бу ҳолат биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган шахсларга ёмон таъсир қилиши, яъни уларда ҳам криминал тажриба шаклланишига сабаб бўлиши мумкинлигининг инобатга олинишидир.

Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига жойлаштиришда жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилиги асосида тартибга солинади. Бу ҳолат комплекс институт ҳисобланади.

Бир қатор хориж мамлакатларида озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумларни таснифлаш пенитенциар қонунчилик асосида тартибга солинади. Бироқ хориж мамлакатларида жазони ижро этиш муассасалари бошқача таснифланади. Хусусан, АҚШда жазони ижро этиш муассасалари маҳкумларнинг хавфлилик даражаси ва жазони ижро этиш муассасаларидан қочиш имконияти даражасига қараб таснифланади ва маҳкумлар жазони ижро этиш учун жойлаштирилади. Шундан келиб

чиқиб режим турлари: максимал, қаттиқ, чегараланган ва минимал даражадаги режим белгиланган⁴¹.

Англия ва Уелсда жазони ижро этиш муассасалари 138 та бўлиб, улардан ўн учтасида аёллар, тўрттасида аралаш, қолганларида эса эркак жинойтчилар сақланади⁴². Жазони ижро этиш муассасаларининг бир неча шакллари ва фақат икки хил тури бор. Жазони ижро этиш муассасаларининг тури қуйидагича: очик ва ёпик турдаги жазони ижро этиш муассасалари бўлиб, бундай турга ажратиш қўриқчиларнинг сонига, маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига ва уларнинг қочиш кетиш имкониятидан келиб чиқиб белгиланади. Барча маҳкумлар содир этган жинойтига қараб тўртта тоифага ажратилади: А, В, С, D — ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори маҳкумлардан унча хавфли бўлмаган маҳкумларга қараб пасайиб боради⁴³.

— “А” тоифадаги маҳкумлар — бу тоифадаги маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаларидан қочиш хавфи юқори бўлган маҳкумлар ҳисобланади. Бундай маҳкумлар максимал даражадаги режимда сақланади;

— “В” тоифадаги маҳкумлар — мазкур тоифадаги маҳкумлар ҳам жазони ижро этиш муассасаларидан қочиш хавфи юқори бўлган маҳкумлар ҳисобланади. Фақат “А” тоифадаги маҳкумлардан сақланиш режими билан фарқланади.

— “С” тоифадаги маҳкумлар — мазкур тоифадаги маҳкумларга қочиш хавфи унча юқори бўлмаган, лекин хали очик турдаги жазони ижро этиш муассасаларига қўчирилмаган маҳкумлар қиради.

⁴¹Павлов И.Н. П12 Принцип дифференциации и индивидуализации исполнения наказаний в уголовно-исполнительном праве : монография / ДФ ФКОУ ВПО Кузбасский институт ФСИН России. – Новокузнецк: ФКОУ ВПО Кузбасский институт ФСИН России, 2012. – С. 47.

⁴²Тепляшин П. Воттон – тюрьма для насильников // Преступление и наказание. 2004. № 1. С. 27.

⁴³Ўша манба.

— “D” тоифадаги маҳкумлар — ижтимоий хавлилик даражаси паст бўлган ва очик турдаги жазони ижро этиш муассасасида сақланадиган маҳкумлар киради⁴⁴.

Англияда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо босқичма-босқич амалга оширилади. Жумладан, синов даври (маҳкум якка сақланади); тузалиш даври (умумий тартибдаги колонияда сақланган ҳолда меҳнатга жалб қилинади); шартли равишда озод қилиш босқичи (жазонинг камида тўртдан уч қисми ўтаб бўлинганидан кейин амалга ошириладиган босқич). Тузалиш даври билан шартли равишда озод қилиш босқичи орасида яна бир босқич мавжуд бўлиб, бу босқич яримозод режимли колонияга ўтказиш босқичи. Мазкур босқичда маҳкум иш жойига кўрикчисиз боради.

Шунга ўхшаш озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш тартиби АҚШда ҳам учрайди. АҚШда ҳам икки турдаги жазони ижро этиш муассасалари мавжуд: федерал қамоқ тизими, штат қамоқ тизими ва тергов ҳибсхоналари.

Очик ва ёпиқ турдаги жазони ижро этиш муассасалари Финляндияда ҳам учрайди. 2006 йилда 17 та ёпиқ ва 19 та очик жазони ижро этиш муассасаларида 3600 та маҳкум жазони ўтаб чиққан⁴⁵.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо икки босқичдан иборат: суд томонидан ҳукмда белгиланадиган жазони ижро этиш ва жазони ижро этиш муассасасининг ўзида маҳкумни жойлаштириш босқичи. Суд жазо тайинлашда маҳкумнинг содир этган жиноятдан келиб чиқиб, жазони ижро этиш муассасасининг тури, режим тури, жазони ўташ шартларини ҳукмда белгилаб ўтади. Жазони ижро этиш муассасасида маҳкумнинг жойлаштириш босқичи, маҳкумнинг жинси, ёши, жиноий фаолияти,

⁴⁴ Соколов С. А. Правовое регулирование исполнения наказания в тюрьмах: эволюция и перспективы : дис. ... канд. юрид. наук. М., 2005. С. 69.

⁴⁵ Багреева Е. Приоритеты пенитенциарной системы Финляндии // Преступление и наказание. – 2006. – № 2 – С. 22-24.

хавфлилик даражаси, соғлиғи ва бошқа белгиларга қараб жойлаштирилади.

А.А.Рябининнинг фикрича, суд классификацияси — турдош классификация; жазони ижро этиш муассасаси классификацияси эса гуруҳий классификация ҳисобланади⁴⁶.

Маҳкумларни катта гуруҳлардан ажратиб кичик гуруҳларга бирлаштиришда қонун ва қонун ости ҳужжат нормалари ва психологик ҳолатидан келиб чиқиб амалга ошириш лозим⁴⁷.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш ҳам дифференциация асосида амалга оширилади. Бундай қоида ЖИКда ҳам белгилаб қўйилган. Тарбиявий иш дифференциация асосида, муассаса турини, жазо муддатини ва сақлаш шароитини, шунингдек маҳкум шахсининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади⁴⁸.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги барча фаолият мазкур принципларга таянади. Жумладан таълим тизимини ташкиллаштириш. ЖИЭМда таълим — бу маҳкумнинг дунёқарашини ўстиришга, уни шахс сифатида шакллантиришга, муомала маданиятини ривожлантиришга, қонунларга нисбатан ҳурмат туйғусини оширишга хизмат қилувчи актив фаолиятдир.

Маҳкумларнинг таълим олишини ташкиллаштиришда уларнинг ёши, соғлиғи, мутахассислиги (касбга тайёргарлик масаласи учун) ва бошқа масалалар инобатга олинади.

Маҳкумларнинг таълими бўйича энг ёрқин мисол АҚШ маҳкумлари таълими тизими ҳисобланади. АҚШ маҳкумлари умумтаълим дастурлари тизими энг кенг тарқалган умумтаълим дастурлари ҳисобланади. Маҳкумлар белгиланган тартибда имтиҳондан

⁴⁶Рябинин А.А. О дифференциации и индивидуализации. Цит. по: Стручков Н.А. и проблемы совершенствования деятельности органов, исполняющих наказания. Уфа: Уфим. высш. школа МВД РФ, – 2005. – С. 23-29.

⁴⁷Рябинин А.А. Проблемы наказания на новом этапе совершенствования уголовного и уголовно-исполнительного законодательства : монография. Домодедово: ВИПК МВД России, – 2000. – С. 146.

⁴⁸[http:// www.lex.uz/](http://www.lex.uz/) / Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия кодекси 97-модда, тўртинчи қисм.

ўтганидан кейин маҳкумларга таълим сертификатлари берилиши йўлга қўйилган. Агар маҳкум имтиҳондан ўтмаса, бошланғич таълим тизимимига ўтказилади. Маҳкум ҳафтасида 25-30 соат дарс олиши таъминланади. Маҳкумлар умумий ўрта таълимни тугатганларидан кейин касбий таълимга ўтказиладилар.

ГФР пенитенциар тизимида маҳкумларнинг таълим олиш ҳуқуқи қуйидагича амалга оширилади: ГФР ЖИКнинг 38-§ га мувофиқ умумўрта таълим маълумотига эга бўлмаган маҳкумлар махсус таълим муассасаларига жойлаштириладилар. Мазкур тadbирдан кўзланган мақсад нафақат маҳкумга таълим бериш балки келажакда касбга тайёрлаш ҳамдир.

Швецияда маҳкумларнинг таълим олиш тизими анча ривожланган. Мазкур давлатда ҳар битта маҳкумга индивидуал ёндашиб, ҳар бир маҳкум учун унинг имкониятлари даражасини инобатга олган ҳолда алоҳида алоҳида таълим дастурлари ишлаб чиқилиб, бу учун махсус ходим бириктирилиб қўйилади.

ГФРда жазони ижро этиш муассасаларида таълим тизими бир катор йўналишларда амалга оширилади:

- 1) саводсиз маҳкумлар билан машғулотлар олиб бориш ёки маҳкум билан индивидуал шуғулланиш;
- 2) таълимни тезлаштириш (маҳкум 8-синфдан кейин касбий таълимга ўтказилиши мумкин);
- 3) асосий мактаб босқичи;
- 4) махсус олий мактаб таълими (2 йил давом этадиган таълим);
- 5) олий таълим (сиртдан).

Жазони ижро этиш муассасаларида режим ҳам мазкур принципларга риоя қилинган ҳолда жорий қилинади.

ЎзР ЖИКнинг 62-моддасида режим тушунчаси, унинг асосий талаблари белгиланган. Мазкур моддага мувофиқ режим қуйидагиларни таъминлайди:

маҳкумларни батамом ажратиб қўйиш, уларни қўриқлаш ва назорат қилиб туришни;

маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, шунингдек уларнинг ўз мажбуриятларини адо этишини;

муайян тоифадаги маҳкумларни алоҳида-алоҳида сақлашни;

муассаса турига қараб маҳкумларни ҳар хил шароитда сақлашни;

маҳкумларнинг ва муассаса ходимларининг хавфсизлигини.

Жазони ижро этиш муассасаларида режим Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган Ички тартиб қоидалари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

2.2. Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларининг татбиқ қилиниши

Жиноят-ижроия ҳуқуқи тизимида барча жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуализация принципларига риоя қилинади. Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ҳам бундан мустасно эмас. Мазкур жазо ижроси ЖИКнинг 7-бобида ўз ифодасини топган.

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг ижроси қонуний кучга кирган суд ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойида ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазоларни ижро этишда маҳкумларга нисбатан индивидуал ёндашув бошқа жазо чораларига нисбатан сал фарқ қилади. Яъни мазкур турдаги жазонинг ижросида маҳкумнинг фуқаролиги аҳамиятсиз.

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва суд ҳукмида кўзда

тутилган чекланишлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шундай жазони ўтаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади⁴⁹.

Ахлоқ тузатиш ишлари мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўталади.

Жазони ўз иш жойида ўташ шarti билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар судлангунга қадар ишлаган жойларида ва эгаллаган лавозимларида ўтайдилар. Бундай шахсларни бошқа ишга ёки лавозимга ўтказиш меҳнат қонунларида белгиланган умумий асосларда амалга оширилади.

Уларни меҳнатидан иш жойидан ташқари зарурат туғилганда турар жой билан ҳам таъминлаш имконияти бор бўлган корхоналарда шартнома асосида фойдаланилишига йўл қўйилади. Ахлоқ тузатиш тарикасидаги жазоларни ижро этишда маҳкумларнинг ёши ва ижтимоий мақоми аҳамиятга эга бўлиб, бу маҳкумларни муайян тоифаларга ажратиб (дифференциация) улар билан индивидуал ишлашни таъминлайди. Вояга етмаганларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари ўз иш жойида, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган, аммо ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўталади.

Мазкур жазонинг ижросида маҳкумнинг яшаш жойи ҳам аҳамиятли бўлиб, ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазо ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг ҲООБ жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади. Маҳкум доимий яшаш жойига эга бўлмаган тақдирда ҳукмнинг ижроси

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 17 ноябрдаги 298-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш тартибига оид Йўриқноманинг 2-банди.

хукм чиқарилган жойдаги жазоларни ижро этиш инспекцияси зиммасига юклатилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ижро этувчи орган томонидан амалга ишириладиган вазифалар маҳкум билан индивидуал ишлашни таъминлайди. Жумладан:

ахлоқ тузатиш ишларига хукм қилинганларнинг ҳисоби олиб борилади;

маҳкумга жазони ўташнинг тартиби ва шартлари тушунтирилади;

бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига хукм қилинганлар белгиланган тартибда ишга юборилади ва ўз вақтида етиб борилиши назорат қилинади. Жазони ўз иш жойида ўташга хукм қилинганларга зарур бўлганда ишга жойлашишга ёрдам берилади;

маҳкум жазо муддатини қонунда белгиланган қисмини ўтаб бўлганидан сўнг бир ойлик муддат ичида уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштиришга тақдим этиш масаласини кўриб чиқилиши ҳамда тақдим қилиш ёки рад этиш ҳақида қарор чиқарилиши шарт;

ахлоқ тузатиш ишларига хукм қилинганлар жазони ўташ давомида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар ёхуд пенсия ёшига етган ҳолларда, шунингдек аёллар ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқсалар, уларни жазони ўташдан озод қилиш ҳақида судга тақдимнома киритилади;

ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисмини бошқа жазо тури билан алмаштиришда ҳам маҳкумнинг ёши инобатга олинади. Жазо ўташдан бош тортган шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг талабларидан келиб чиқиб, ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмай қолган муддатини озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан вояга етмаган шахсларга нисбатан эса қамоқ жазоси билан алмаштириш ҳақида судга тақдимнома киритилади.

Ахлоқ тузатиш тарикасидаги жазоларни ижро этишда маҳкумлар ҳисобда туришига қараб муайян тоифаларга ажратилади (дифференциация).

Ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилганлар қуйидаги ҳисоблардан бирида туради:

- а) тезкор;
- б) дастлабки;
- в) назорат;
- г) қидирувдагилар.

Тезкор ҳисобда ҳукмлари ижро этилаётган шахслар туради.

Дастлабки ҳисобда турувчилар:

а) ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиниб, ҳисобга олинган кундан 15 кун ўтгандан сўнг ҳам ишга жойлашмаган шахслар;

б) жазо муддатини ўтаётган вақтда олдинги иш жойидан бўшаган кундан 15 кун ўтгандан сўнг ҳам ишга жойлашмаган шахслар;

в) дастлабки қидирув ҳаракатлари амалга оширилаётган шахслар;

г) сабабсиз ишламай юрган шахслар;

д) шахсий йиғма жилдлари ахлоқ тузатиш иши жазосини озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштириш учун судларга юборилган шахслар.

Назорат ҳисобида турувчилар:

а) ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиниб, ҳисобга олинганидан сўнг 15 кунгача ишга жойлашмаган шахслар;

б) жазо ўташ вақтида ишлаб турган жойидан бўшаб, янги иш жойига, бўшаган кундан бошлаб 15 кунгача жойлашмаган шахслар;

в) касаллиги сабабли ишламаётган шахслар, агар амалдаги қонунга биноан касаллик даври ахлоқ тузатиш ишларини ўташ муддатига қўшилмайди деб ҳисобланмаса;

г) ушбу жазони ижро этиш инспекцияси хизмат доирасидаги худуддан чиқиб кетган ва уларнинг шахсий йиғма жилдининг олинганлиги ҳақидаги тасдиқномаси келмаган шахслар;

д) бошқа жиноят содир этилганлиги учун эҳтиёт чораси сифатида камоқда сақланиб турганлар;

е) ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташ жараёнида маъмурий жазо сифатида камоқда сақланиб турган шахслар;

ж) меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганлиги учун ёхуд нафақа ёшига етганлиги, шунингдек аёллар бу турдаги жазони ўтаётган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққанлиги муносабати билан жазони ўташдан озод қилиш ҳақида судга тақдимнома киритилган шахслар;

з) меҳнатга яроқсизлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтиш учун юборилган шахслар;

и) ҳукм ижросининг бошланишидан олдин берилган навбатдаги (ҳар йилги) меҳнат таътили ҳамда ойлик иш ҳақи бермаслик шарти билан берилган таътилларидаги шахслар;

к) ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик касаллиги туфайли касалхонада даволанаётган шахслар.

Қидирувни давом эттириш учун ҳужжатлари жиноят-қидирув хизматида берилган шахслар қидирув ҳисобида турадилар.

Иш ҳақи белгиланадиган ерда жазо ўтамаётган шахслар амалда ишлаётган ердаги жазони ижро этиш инспекцияси ҳисобида туради (агар бошқа ердаги ишлаш муддати 4 ойдан ошадиган бўлса). Бунда маҳкумнинг иш ҳақидан тўғри ушлаб қолинаётганлигини назорат қилиш иш ҳақи белгиланадиган ердаги жазони ижро этиш инспекциясига топширилади.

Ахлоқ тузатиш ишларининг муддатларини ҳисоблашда ҳам мазкур принципларга риоя қилинади. Умумий муддатдан ташқари маҳкумнинг ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташ муддатига қуйидагилар ҳам қўшилади:

а) маҳкум узрли сабабларга кўра ишламаган ва унга қонунга асосан иш ҳақи тўланаётган ҳамда кўшимча таътилда бўлган вақти;

б) касаллик ҳамда касалга қараш учун берилган вақтлар;

в) ҳукм қилинган қишлоқ хўжалик аъзоларига объектив шарт-шароитлар туфайли иш берилмаган бўлса ва агар уларнинг ишлаган жами кунлари хўжалик бўйича хўжалик аъзолари учун белгиланган йиллик минимумдан ёки йилнинг айрим даврларига оид минимумлардан кам бўлмаса, шу ишламаган даврдаги вақт;

г) суд ҳукми (ажрими)га асосан маҳкумнинг шу жиноятни содир этганлиги муносабати билан эҳтиёт чораси сифатида дастлабки қамоқда бўлган вақтининг ҳар бир куни ахлоқ тузатиш иши жазосининг 3 кунига тенг ҳолда жазо ўталган ҳисобланади;

д) озодликдан маҳрум қилиш жазоси суднинг ажрими (қарори) ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган бўлса, фармон ёки ажрим чиққан кундан бошлаб, унинг озод қилингунигача бўлган вақтининг ҳар бир куни ахлоқ тузатиш иши жазосининг 3 кунига тенг ҳолда жазо ўталган ҳисобланади.

Жазо муддати ҳисобланмайдиган ҳоллар:

а) бошқа жиноят содир этганлиги сабабли қамоқда сақланган вақти ҳамда маъмурий жазо тариқасида ҳибсда бўлган вақти;

б) ойлик иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлган вақти;

в) вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлиги юзасидан нафақа тўланмайдиган касаллик вақти;

г) касалга қараш учун берилган вақтдан ташқари маҳкум ишламаганлиги сабабли унга ойлик иш ҳақи тўланмаган ҳамма бошқа вақтлар⁵⁰.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 17 ноябрдаги 298-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш тартибига оид Йўриқнома.

Ахлоқ тузатиш ишларида маҳкумлар билан ишлашнинг асосий тури маҳкумларнинг ҳисобда туриши бўлиб ҳисобланади. Бунда маҳкумлар уларнинг тоифасидан келиб чиқиб ажратилиб улар билан индивидуал шуғулланишни осонлаштиради ва таъминлайди.

2.3. Жазони ижро этиш муассасаси ўзгартирилганда жазоларни ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларига риоя этилиши

Маҳкумлар жазони одатда битта муассасада ўтайди. Қонунда белгиланган тартибда маҳкумларни бир муассаса ҳудудидан бошқа муассасага кўчириш мумкинлиги белгилаб қўйилган (ЎзРЖИКнинг 60-моддаси). Жазони ижро этиш муассасасининг ўзгартирилиши ҳам дифференциация ва индивидуализация принциплари билан бевосита боғлиқ.

Маҳкумлар қуйидаги ҳолларда бир муассасадан бошқа шу турдаги муассасага кўчирилиши мумкин.

1. Маҳкумнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, унинг розилигини олган ҳолда.

2. Маҳкумнинг мазкур муассасада қолишига тўсқинлик қилувчи қуйидаги ҳолларда:

– муассасанинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши муносабати билан;

– бир жиноят иши бўйича судланувчи, гувоҳ ёки жабрланувчи бўлган маҳкумларни бир-биридан ажратиш мақсадида;

– муассасада белгиланган кун тартибини мустаҳкамлаш ва жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида;

– муассасада жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ўртасида юзага келган низони ҳал этишнинг бошқа чораси бўлмаганда;

– маҳкумларнинг салбий гуруҳлари етакчилари ва аъзоларининг муассасада ўрнатилган тезкор вазият барқарорлигига таъсирининг олдини олиш мақсадида;

– маҳкум ёки қариндошларининг аризасига асосан;

– суднинг ҳукм ёки ажримда назарда тутилган жазони ижро этиш тартибини ўзгартириш ҳақидаги қарорига асосан;

3. Маҳкум касал бўлиб қолган тақдирда⁵¹.

Маҳкумларни ихтисослашган даволаш муассасасига ўтказиш соқчи, зарурат бўлганда, тиббий ходимлар кузатувида амалга оширилади. Маҳкум касал бўлиб қолган тақдирда уни қамоқ уйидан, колониядан ёки турмадан ихтисослашган даволаш муассасасига ўтказишга тиббий хулоса асосида йўл қўйилади. Маҳкум ихтисослашган даволаш муассасасига ўтказилганда дифференциация ва индивидуаллаштириш принципларига риоя қилинмаслиги мумкин.

Ихтисослашган даволаш муассасаларида ҳар хил турдаги жазони ижро этиш муассасаларидан келган маҳкумларни бирга сақлашга рухсат этилади.

Турли тоифадаги маҳкумларни муайян зарурат туфайли бирга сақлашга рухсат этилиши мумкин. Жазоларни ижро этиш муассасаларида суд ҳукмига асосан озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган шахслар оғир касалликка чалинганларида тиббий муассасада даволанишни лозим деган хулоса асосида ёпиқ типдаги тиббий муассасага юборилишлари мумкин. Тиббий муассасага юборилишида маҳкумларнинг тоифалари инобатга олинмайди. Турли тоифадаги маҳкумлар тиббий муассаса палаталарига даволаниш учун жойлаштириладилар.

Тиббий муассаса ташкил этиш бир турдаги колония туркумида батамом ажратилган ҳолда амалга оширилади ва бемор маҳкумларга нисбатан алоҳида режим жорий этилмайди⁵².

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2014 йил 27 июлдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 9-банди.

ЎзР ЖИКнинг 60-моддасига мувофиқ озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ижро этувчи бир муассасадан бошқасига кўчириш ЖИКнинг 58-моддаси талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Маҳкумларни бир муассасадан бошқа муассасага кўчиришда маҳкумларнинг тоифаси инобатга олинади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар камок жазосига ҳукм қилинган ва тергов қилинаётган шахслардан алоҳида кўчирилади.

Ҳомиласи йигирма тўрт ҳафталикдан ошган ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар бошқа маҳкумлардан алоҳида кўчирилади.

Маҳкум беморлар, ҳомиладор аёллар ва боласи бор аёллар, зарурат бўлганда тиббий ходимлар кузатувида кўчирилади.

Маҳкумларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни бошқа ҳолларда ҳам ажратилган тарзда кўчиришга йўл қўйилади.

Кўчириш чоғида маҳкумлар зарур моддий-маиший ва санитария-гигиена шароитлари билан таъминланади, уларга поябзал, белгиланган норма бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари берилади.

Маҳкумларни кўчириш билан боғлиқ муаммолар жиноят-ижроия ҳуқуқининг ўзига хос объекти ҳисобланади. Маҳкумларни кўчириш билан боғлиқ тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Маҳкумларни кўчириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қуйидагилар маҳкумларни зудлик билан кўчириш учун асос бўлиб хизмат қилади деб кўрсатилган. Булар:

- сил касаллиги билан оғриган маҳкумлар;
- тери-таносил касаллиги билан оғрига маҳкумлар;
- асаб касаллиги билан оғриган беморлар, тузалиши катта муддатни талаб қилувчи беморлар;

⁵² Жиноят-ижроия кодексига шарҳ. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир: Б.Н.Курбанов. –Т.: Адолат, 2016. – Б.144.

— ОИТС касаллиги билан касалланган беморлар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-хуқуқий ҳужжатларига кўра маҳкумларни кўчириш камида 4 та соқчи назорати остида амалга оширилади. Соқчилар гуруҳи одатда оддий ва кучайтирилган бўлиши мумкин. Кучайтирилган соқчилар гуруҳи ўта оғир турдаги жиноят содир этган маҳкумлар, рецидивистларни кўчиришда тайинланади.

Кўчирилаётган маҳкумга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-хуқуқий ҳужжатларига мувофиқ мавсумга мос кийим-кечак ва поябзал берилади.

Қуйидаги маҳкумларни бир жазони ижро этувчи муассасасидан бошқасига ўтказишга йўл қўйилмайди:

- ўзининг шахсий анкетасига эга бўлмаган маҳкумлар;
- мавсумга мос кийинмаган маҳкумлар;
- озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланмаган маҳкумлар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-хуқуқий ҳужжатларига мувофиқ баъзи ҳолларда маҳкумнинг қўлларига кишан солиниши мумкин:

- самолётда ёки вертолётда;
- узоқ йўлга чиққан автотранспорт воситаси ёки поездда кўчирилаётганда;
- жазони ижро этувчи муассасадан қочиш ниятида бўлган маҳкумни бошқа муассасага кўчиришда;
- умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган маҳкумларни кўчиришда.

Маҳкумларни енгиллаштирилган шароитга ўтказишга, ўзининг хулқ-атвори билан ўрناк бўладиган шахслар жазонинг камида олти ойи ўталганидан кейин йўл қўйилиши мумкин. Енгиллаштирилган шароитга ўтказилган маҳкум ички тартиб-қоидаани ашаддий бузувчи деб топилганида уни умумий ёки оғирлаштирилган шароитга ўтказишлари

мумкин, лекин бундай ўзгаришга ҳам яна олти ойдан кейин йўл қўйилади. Тарбия колонияларида ҳам маҳкумларни енгиллаштирилган имтиёзли ва оддий шароитлари мавжуд. Бундан ташқари, маҳкумларнинг интизомсизлиги, ички тартиб-қоида доимий бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган ҳибсхоналар ҳам мавжуд. Бу хилдаги ҳибсхоналарга киритиб қўйилган маҳкумларнинг шароити, албатта, оғирлаштирилади. Енгиллаштирилган шароитга ўтказиш маҳкумнинг ижобий хулки, меҳнатга ҳалол муносабати, интизомий жазо чорасининг бўлмаслиги ва жазонинг камида тўртдан бир қисми ўтаганидан сўнг қўлланилади.

Маҳкумларнинг сақлаш шароити ўзгартирилиши ЖИКнинг 61-моддасига асосан амалга оширилади. Унга кўра, жазони ўташ даврида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг сақлаш шароити бир муассаса доирасида ёки бошқа турдаги муассасага ўтказиш йўли билан енгиллаштирилиши мумкин.

Маҳкумларнинг сақлаш шароити рағбатлантириш тарзида қўйидагича енгиллаштирилиши мумкин:

— муассаса бошлиғининг қарорига биноан ЖИКнинг 102,104-моддаларига мувофиқ ёрлик, қимматли совға ёки пул мукофоти билан тақдирлаш, қўшимча посилка, йўқлов ёки бандерол олишга рухсат этиш ва х.к.;

— суд томонидан ЖПКнинг 537-моддасига мувофиқ, яъни маҳкумни жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли колониясига, турмадан колонияга ва колониядан турмага ўтказиш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан маҳкум ёки ҳимоячисининг илтимосномасига кўра суд томонидан амалга оширилади ёки яна бир қоида бу ЖПКнинг 537-моддаси 4-бандига мувофиқ 18 ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масаласини ҳал этишда суд унинг тузалиш даражасини ҳисобга олиши лозим. Шунингдек, юқоридаги моддага кўра

махкум тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом эттириш учун узоғи билан 21 ёшга тўлгунга қадар қолдирилиши мумкин.

Маҳкумларни сақлаш шароити ЖИКнинг 61-моддасига кўра интизомий жазо тарзида қуйидагича оғирлаштирилиши мумкин:

— муассаса бошлиғининг қарорига биноан ЖИКнинг 105-моддасига мувофиқ, интизомий жазо чоралари сифатида маҳкумларга нисбатан қуйидаги жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- огоҳлантириш;
- ҳайфсан;
- енгиллаштирилган сақлаш шароитини бекор қилиш;
- интизомий бўлинмага киритиб қўйиш ва хоказо.

Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 106-моддасига мувофиқ интизомий жазо ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва хусусиятига мос бўлиши кераклиги белгиланган. Шунингдек, интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак.

Маҳкумларни сақлаш шароити интизомий жазо тарзида суд томонидан ҳам ЖПКнинг 537-моддаси 3-бандига мувофиқ оғирлаштирилиши мумкин.

Маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ва умумий тартибли тарбия колониясига ўтказиш тарбия колонияси маъмуриятининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия билан келишилган тақдимномасига биноан судья томонидан амалга оширилади.

Бу хилдаги маҳкумларни сақлаш шароитини ўзгартириш жиноят-ижроия қонунчилигининг икки тамойилига асосан амалга оширилади:

- 1) Дифференциация ва индивидуализм жазоларни ижро этишда;
- 2) Маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принципларига⁵³.

⁵³ Жиноят-ижроия кодексига шарҳ. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир: Б.Н.Курбанов. –Т.: Адолат, 2016. – Б.150.

Шунингдек, маҳкум жазони ижро этишда сақлаш шароитини ўзгартириш шу ижро муассасаси бошлиғининг розилиги билан амалга оширилади.

Маҳкумларни бир жазони ижро этиш муассасасидан бошқасига кўчириш масаласи бир қатор олимлар, жумладан, С.Л.Бабаян, А.И.Васильев, А.И.Зубков, С.И.Курганов, Б.З.Маликов, А.С.Михлин, М.П.Мелентьев, В.И.Селиверстов, Н.А.Стручков, В.С.Яковлев ва бошқалар томонидан ўрганилган.

С.И.Кургановнинг фикрича, жиноят-ижроия қонунчилигининг рағбатлантирувчи нормалари етарлича турли хил бўлиб, бу ҳолат маҳкумларни бир жазони ижро этиш муассасасидан бошқасига ўтказишда яққол намоён бўлади. Масалан, айрим маҳкумлар қаттиқ тартибли колониядан умумий тартибли колонияга, айрим маҳкумлар умумий тартибли колониядан манзил-қолонияларга ўтказилиши мумкин.

III БОБ. ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШДА ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ ВА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШГА РИОЯ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Хорижий мамлакатлар жиноят-ижроия қонунчилиги тизимида жазони ижро этишда татбиқ қилинадиган принциплар

Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқ институти муайян принциплар асосида шакллантирилади ва ишлаш механизми яратилади. Бир қатор хориж мамлакатларида ҳам жазони ижро этиш жиноят-ижроия қонунчилиги принциплари асосида амалга оширилади. Хориж мамлакатлари жиноят-ижроия қонунчилигини кузатганда бир неча давлатларда жазони ижро этишда татбиқ қилинадиган принциплар бир хил эканлигини кузатдик. Жумладан, Россия Федерацияси, Туркменистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Беларусь Республикаси Жиноят-ижроия кодексларида жазони ижро этишда татбиқ қилинадиган принциплар бир хил. Мазкур давлатларнинг кодекслари (РФ ЖИКнинг 8-моддаси, Беларусь Республикаси ЖИКнинг 6-моддаси, Қирғизистон Республикаси ЖИКнинг 2-моддаси, Туркменистон Республикаси ЖИКнинг 3-моддаси)га мувофиқ мазкур давлатларда жазони ижро этишда татбиқ қилинадиган принциплар қуйидагилар: қонунийлик, инсонпарварлик, демократизим, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш, маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш, қонун олдида тенглик, жазонинг ахлоқ тузатиш воситалари билан уйғунлиги принциплари. Мазкур давлатларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси принциплари билан қиёсий таҳлил қилганда кўришимиз мумкинки, мазкур давлатлар, яъни Россия Федерацияси, Туркменистон, Қирғизистон, Беларусь

Республикаларининг Жиноят-ижроия кодекслари принципларида адолат принципи мавжуд эмас. Лекин бу дегани мазкур давлатларда жиноят-ижроия қонунчилиги адолат принципига риоя қилмайди дегани эмас, албатта. Россия Федерацияси, Туркменистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Беларусь Республикаси Жиноят-ижроия кодекслари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексларида мавжуд бўлмаган икки принцип: **қонун олдида тенглик принципи** (умумий принцип); **жазонинг ахлоқ тузатиш воситалари билан уйғунлиги принципи** (махсус принцип) мавжуд.

Қозоғистон Республикаси ЖИКда жазони ижро этишда татбиқ қилинадиган принциплар сифатида қуйидаги принциплар белгиланган: қонунийлик, инсонпарварлик, демократизим, ошкоралик, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, қонун олдида тенглик, жазонинг ахлоқ тузатиш воситалари билан уйғунлиги принциплари⁵⁴.

Япония ЖИКда жазони ижро этишда татбиқ қилинадиган принциплар сифатида қуйидаги принциплар белгиланган: адолат, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш, маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принциплари⁵⁵.

Хориж мамлакатлари жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари принципларини ўрганиш жараёнида айрим давлатларда жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари принциплари бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинишини кузатдик. Жумладан, Францияда жазони ижро этишда татбиқ қилинадиган принциплар Франция ЖПКга мувофиқ тартибга солинади. Франция ЖПКга мувофиқ Францияда жазони ижро этишда қуйидаги принциплар татбиқ қилинади: инсонпарварлик,

⁵⁴ Уголовно-исполнительный кодекс Республики Казакстан, – С. 6.

⁵⁵ Article 3 Act on Penal Detention Facilities and Treatment of Inmates and Detainees of Japan.

мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш, маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принциплари⁵⁶.

Швейцарияда жиноят-ижроия қонунчилиги принциплари жиноят кодекси принциплари билан тартибга солинади. Швейцария Жиноят кодексига мувофиқ, жазони ижро этишда қуйидаги принципларга амал қилинади: қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, жазони ижро этишда индивидуализация, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш⁵⁷.

Хориж мамлакатлари жиноят-ижроия қонунчилиги принципларини ўрганганда Ўзбекистон Республикаси ЖИКда учрамайдиган бир қатор принципларни учратдик. Аксарият давлатларда, жумладан, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Украина, Молдова, Латвия, Грузия, АҚШ жиноят-ижроия қонунчилигида **қонун олдида тенглик принципи** учрайди. Мазкур принцип жиноят-ижроия қонунчилигининг умумий принципи сифатида баҳоланади. Энг кўп учрайдиган кейинги принцип — **бу жазонинг ахлоқ тузатиш воситалари билан уйғунлиги принципи**. Мазкур принцип РФ, Беларусь, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Украина Республикалари жиноят-ижроия қонунчилигида учрайди.

Қозоғистон жиноят-ижроия қонунчилигида ошкоралик; **Украинада** жазонинг ўталиши ва ижро этилишининг муқаррарлиги, давлат ва маҳкум жавобгарлигининг уйғунлиги; **Молдовада** жазони ижро этиш функцияларининг суриштирув, тергов, давлат айблови функцияларидан холилиги; **Финляндияда** рецидивизмни камайтириш, жазони ижро этиш тизимининг хавфсизлигини таъминлаш; **Германияда** маҳкумларни ахлоқан тузатиш принциплари учрайди. Мазкур принциплар ЎЗР ЖИКда кўрсатиб ўтилмаган.

Кўриб турганимиздек, турли давлатларда жазони ижро этишда татбиқ этиладиган принциплар бир-бирига ўхшаш жиҳатлари бўлса ҳам, фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Айрим принциплар фақат битта давлатда

⁵⁶ Le code de procedure France. Article 38, 129, 287.

⁵⁷ Уголовный кодекс Швейцарии. – С. 1, 2–8.

учрайди. Масалан, рецидивизмни камайтириш (Финляндия), ошкоралик (Қозоғистон) ёки жазони ижро этиш функцияларининг суриштирув, тергов, давлат айблови функцияларидан холилиги принципи (Украина) каби принциплар фақат бир давлат қонунчилигида учрайди, бошқа давлатлар қонунчилигида мазкур принциплар учрамайди.

Швейцария ва Грузия жиноят-ижроия қонунчилигида жазоларни ижро этишда индивидуализация принципи учрайди. Мазкур давлатлар қонунчилигида жазоларни ижро этишда дифференциация принципи учрамайди.

Юқорида таъкидланган ҳолатлар жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принциплари эканлигини инobatга олиб, хориж мамлакатларида мазкур принципларга риоя этилиш ёндашувига ҳам тўхталиб ўтсак.

Вояга етмаганларга индивидуал ёндашувнинг ёрқин мисолини Германия қонунчилигида кўришимиз мумкин. Германияда вояга етмаганларга нисбатан тайинланган жазони ижро этиш бўйича алоҳида махсус кодекслаштирилган қонун мавжуд. Мазкур Қонуннинг 111 § вояга етмаганлар учун маслаҳат кенгашига бағишланган. Мазкур кенгаш тарбия колониясидаги вояга етмаган маҳкум билан индивидуал шуғулланади, ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда кўмаклашади (Жиноят-ижроия қонунчилигининг тарбиявий функцияси).

Латвияда жазони ижро этиш колонияларида маҳкумлар билан тарбиявий ишларни олиб борувчи ташкилот мавжуд бўлиб, бу Латвия ЖИКнинг 57–59-моддаларида ўз ифодасини топган. Мазкур ташкилот ҳар бир маҳкум билан алоҳида шуғулланиб, уни ахлоқан тарбиялашга хизмат қилади. Бунда индивидуализация принципини ҳамда жиноий жазони ижро этиш тизимининг тарбиявий функциясини кўришимиз мумкин.

Германияда маҳкумларнинг соғлиғи билан индивидуал шуғулланилади. Германия ЖИКнинг 57-§ да 35 ёшдан ўтган маҳкумлар икки йилда бир марта тўлиқ тиббий текширувдан ўтқазилиши

белгиланган (мазкур ҳолат бизнинг қонунчилигимизда мавжуд эмас). Шунингдек, 66–§ га мувофиқ, маҳкум оғир касал бўлса, унинг оила аъзолари ёки яқинларига зудлик билан хабар қилинади

Латвияда маҳкум билан индивидуал шуғулланиш нафақат ЖИЭМда, шунингдек у озодликка чиққанидан кейин ҳам (агар вазият шуни тақозо этса) шуғулланилади. Латвияда зарурат туғилганда ЖИЭМдан озод этилган шахслар яшаш жойи билан таъминланади⁵⁸. Бу ҳолат ЎзР ЖИКнинг 171-моддасида қисман ўз ифодасини топган. Ишда ва турмушда ўрнашишга муҳтож шахслар аниқланган тақдирда муассаса маъмурияти олдиндан маҳкум яшашни мўлжаллаётган жойдаги озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви марказини унинг озод қилиниши, турар жойи бор-йўқлиги, меҳнат қобилияти ва ихтисоси тўғрисида хабардор этади. Бизнинг қонунчилигимизда ижтимоий мослашув марказининг мажбуриятларини белгилаш лозим.

3.2. Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этишдаги камчиликлар, уларни бартараф этиш чоралари ва такомиллаштириш масалалари

Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи моҳият жиҳатидан иккита мустақил принципдан иборат. Дифференциация ҳамда индивидуализация принциплари жиноят-ижроия қонунчилигининг ишлаш механизмини белгилаб берувчи устувор қоидаларни бошқарувчи принциплар бўлиб ҳисобланади. Мазкур принциплар фақатгина тайинланган жазони ижро этиш жараёнида ишга тушмай, балки шахс қўлга олинганидан бошлаб ишга тушади. Бунга мисол қилиб, дастлабки тергов жараёнида қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасини қўллашда қўлга олинганлар жинси, ёши, содир этишда

⁵⁸ [http:// www.pravo.lv](http://www.pravo.lv) / Кодекс Латвии об исполнении наказаний. Статья 119.

айбланаётган ижтимоий хавфли қилмишини инобатга олинган ҳолда алоҳида-алоҳида сақланиши (масалан, аёллар алоҳида, вояга етмаганлар алоҳида)ни олишимиз мумкин.

Дифференциация ҳамда индивидуализация принциплари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисиз ишламайди. Маҳкумлар барча критерияларни инобатга олган ҳолда бир-биридан ажратилиб (дифференциация) ҳар бири билан мустақил (индивидуализация) шуғулланилади. Индивидуализация принципи жазони ижро этишнинг бир босқичини ўзида ифодалаб, бу принцип тайинланган жазо, жиноят ва унга қарши курашнинг хусусиятидан келиб чиқиб ишлайди. Мазкур принцип ўзида шахсий характери ифодалайди. К.А.Сыч таъкидлаганидек, “шубҳасиз, жиноий жазо ҳамма вақт шахсга қаратилади. Бу билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай нарса жиноий жазонинг объекти бўлиши мумкин эмас”. Бу шундай принципки, у ўзида содир этилган жиноятни, ижтимоий хавфлилик даражасини, шу жиноятни содир этган шахсни, тайинланган жазони, маҳкумни ахлоқан тузатишни ҳамда қайта тарбиялашни ўзида акс эттиради. Мазкур принципларсиз тайинланган жазодан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди, ҳаттоки, қонунийлик ва одиллик принципи ҳам шу принципларга таянади.

Жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Мазкур камчиликларни ЎЗР ЖИК моддалари асосида кўриб чиқамиз.

ЎЗР ЖИКнинг 58-моддасига биноан жазони ижро этиш муассасаларида эркаклар ва аёллар, вояга етмаганлар ва катта ёшлилар, озодликдан маҳрум этишга биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ва илгари бу жазо турини ўтаган маҳкумлар алоҳида-алоҳида сақланади (дифференциация).

Мазкур модданинг 2-қисмида бошқа маҳкумлардан батамом ажратилиб, шунингдек алоҳида-алоҳида сақланадиган маҳкумлар кўрсатилган бўлиб, булар:

ўта хавфли рецидивистлар;
умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида
озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган маҳкумлар;
маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
суд ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органларнинг собиқ
ходимларига мансуб маҳкумлар;
турли юқумли касалликларга чалинган маҳкумлар.

Мазкур ҳолат ҳам дифференциация принципнинг ишлаш механизми ҳисобланади. Бизнингча, мана шу қисмда дифференциация принципнинг қисман бузилишини кўришимиз мумкин. Бизнинг фикримизча, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб жиноят содир этган хавфли рецидивистларни ҳам бошқа маҳкумлардан батамом ажратиб, алоҳида-алоҳида сақлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Айнан мана шу шахсларга ҳам мазкур принцип қўлланилиши лозим. Жазони ижро этиш муассасаларига ҳам бир жамият деб қарасак, мазкур маҳкумларнинг бошқа маҳкумлардан ажратилмаслиги кейинчалик жазони ижро этиш муассасаларида ҳам уюшган гуруҳ тузилиши эҳтимолини келтириб чиқариши мумкин.

ЎзР ЖИКнинг 59-моддасида турли тоифадаги маҳкумларни бирга сақлаш ҳоллари белгиланган бўлиб, мазкур модданинг 1-қисмига мувофиқ ихтисослашган даволаш муассасаларида ҳар хил турдаги жазони ижро этиш муассасаларидан келган маҳкумларни бирга сақлашга рухсат этилади. Мазкур қисмда дифференциация принципнинг бузилишини кўришимиз мумкин. Маҳкумлар барча ҳолатларни инобатга олган ҳолда жазони ижро этишда ажратилади. Дифференциация принципи ҳар қандай ҳолатда ҳам сақланиши лозим. Ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида ҳам ҳар хил турдаги жазони ижро этиш муассасаларидан келган маҳкумлар ҳам алоҳида-алоҳида сақланиши лозим.

ЎзР ЖИКнинг 85-моддаси 3-қисмига мувофиқ маҳкум ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар, вояга етмаганларга, шунингдек I ва II гуруҳ

ногиронларига бериладиган овқат оширилган нормаларда белгиланади. Тиббий хулоса асосида уларга қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари олишга рухсат этилиши мумкин. Индивидуализация принципи айнан маҳкумнинг шахси билан боғлиқлигини инобатга олсак, мазкур қисмга “маҳкум беморлар”ни ҳам қўшиш лозим. Яъни маҳкум беморларга ҳам тиббий хулоса асосида овқат нормаси оширилган миқдорда берилиши индивидуализация принципига риоя қилинишининг бир кўриниши ҳисобланади. Овқат нормаси бўйича маҳкум беморларга нисбатан индивидуал ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жазони ижро этиш тизимнинг ишлаш механизмини таҳлил қилиш жараёнида жиноят-ижроия қонунчилигини реформация қилишда раҳбарий номатив-ҳуқуқий ҳужжатлар, устувор қоидалар, принциплар, ғоялар, жиноят-ижроия сиёсатига таянган ҳолда амалга оширилиши лозим. Мазкур ҳолат бевосита жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Бизга маълумки, мазкур принциплар бутун жиноят-ижроия ҳуқуқи, сиёсати учун асос ҳисобланади. Мазкур принциплар асосида жазони ижро этиш муассасалари шакллантирилади ва маҳкумлар айнан мана шу принциплар асосида муайян тоифаларга ажратилиб, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ижроси таъминланади.

ХУЛОСА

Хулоса қиладиган бўлсак, жинойт-ижроия нуқтаи назаридан жазоларни ижро этишда, дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш масалалари тадқиқ этилди ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш ва жазоларни ижро этиш амалиётидаги камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган қўйидаги таклиф ва тавсиялар шакллантирилди:

1. Хорижий тажрибани ўрганганимизда, бир қатор давлатларда, жумладан, Россия Федерациясида келажак истиқболни белгиловчи, давлатнинг жинойт-ижроия тизимини такомиллаштиришга қаратилган яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгиловчи концепция мавжуд. Қисқа муддат олдин жазо тизимига янги жазо — озодликни чеклаш жазосининг киритилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сонли қарорига мувофиқ 2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қамоқ жазосининг бекор қилиниши, шунингдек “мажбурий жамоат ишлари” тарикасидаги жиноий жазонинг Ўзбекистон Республикасининг жиноий жазо тизимига киритилганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасида ҳам жазоларни ижро этиш чора-тадбирлари юзасидан яқин келажакнинг истиқболли режаларини амалга ошириш мақсадида концепция ишлаб чиқиш лозим.

2. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, принцип бу муайян бир ҳужжатнинг ишлаш механизмини белгилаб берувчи устувор қоидалар йиғиндисидир. ЎзР ЖИКнинг 6-моддасида жинойт-ижроия кодексининг принциплари келтириб ўтилган бўлиб, бироқ кодексда уларнинг таърифи мавжуд эмас. Принциплар асосий устувор йўналишларни белгилаб берувчи восита эканлигини инобатга олсак, Жинойт-ижроия кодексда принципларнинг таърифи келтирилиши мақсадга мувофиқдир.

3. Бизга маълумки, Жиноят-ижроия кодексининг умумий ва махсус принциплари мавжуд. Хорижий мамлакатлар Жиноят-ижроия кодексини ўрганиб чиққанимизда, бир қатор мамлакатлар, жумладан Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Украина ЖИКда “жазонинг ахлоқ тузатиш воситалари билан уйғунлиги принципи” мавжуд. Бизнинг бу борадаги таклифимиз ЎЗР ЖИК принциплари тизимига “жазонинг ахлоқ тузатиш воситалари билан уйғунлиги принципи”ни киритиш лозим. Финляндия қонунчилигида “рецидивизмни камайтириш принципи” мавжуд бўлиб, мазкур принцип ҳам жиноят-ижроия қонунчилигининг муҳим принципларидан бири ҳисобланади. Жазодан кўзланган асосий мақсад — маҳкумни ахлоқан тузатиш. Ахлоқан тузалган маҳкум янги жиноят содир этмайди ва мамлакатда рецидивизм камаяди.

4. ЎЗР ЖИКнинг 58-моддаси 2-қисмида бошқа маҳкумлардан батамом ажратилиб, шунингдек алоҳида-алоҳида сақланадиган маҳкумлар келтириб ўтилган. Бу борадаги таклифимиз мазкур қисмда уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб жиноят содир этган ўта хавфли рецидивистларни ҳам бошқа маҳкумлардан батамом ажратиш лозим. ЖИЭМга ҳам бир жамият сифатида қарасак, ЖИЭМда бундай тоифадаги маҳкумларнинг бошқа маҳкумларга нисбатан салбий таъсири бўлиши мумкинлиги ва кейинчалик ЖИЭМда ҳам уюшган гуруҳ ташкил этиш имконияти яратилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 124-моддасига мувофиқ тарбия колонияларида:

ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар каттароқ ёшдаги маҳкумлардан;

биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланадилар.

Мазкур ҳолатда дифференциация принципини бузилганини кўришимиз мумкин. Бизга маълумки, жазони ижро этиш колониялари эркаклар сақланадиган колониялар ҳамда аёллар сақланадиган колониялар мавжуд. Мазкур ажратиш тарбия колонияларда белгиланмаган. Латвия ЖИКнинг 13-моддасида жазони ижро этиш муассасаларининг турлари белгиланган бўлиб, мазкур моддага мувофиқ, тарбия колониялари ўғил болалар сақланадиган тарбия колониялари ҳамда қиз болалар сақланадиган тарбия колониялари мавжуд. Тарбия колониялари маҳкумларнинг жинсидан келиб ажратилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда тарбия колониясидаги маҳкумларда “ўтиш даври” эканлигини ҳамда ахлоқан соғлом одам жиноят содир этмаслигини инобатга олиш лозим.

Хусусан, жамиятнинг ахлоқий ва тарбиявий жиҳати ҳамда халқаро стандартлар нуктаи назаридан олиб қараганда, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принциплари жиноят ҳуқуқи комплексининг ажралмас қисмга айланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Шунингдек, жиноят-ижроия тизими айнан мана шу икки принцип асосида шакллантирилишини инобатга олсак, мазкур принципларга риоя этилиш механизмини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар:

1.1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2016. – 16 декабрь.

1.2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – Б 323.

1.3. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза): 2017. – Б. 32.

1.4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза). –Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 50.

1.5. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза) // www.uz.uz .

II. Халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

2.1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 1948 йил.

2.2. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. 1966 йил.

2.3. Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари. 1955 йил.

2.4. Мансабдор шахсларнинг жазони ижро этиш органларида назорат олиб боришда ўзини тутиш қоидалари кодекси. – 1979 йил.

2.5. Вояга етмаган маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи халқаро ҳужжат. – 1985.

2.6. Европа турмалари қоидаси. – 1987 йил.

III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

3.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 40 б.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // lex.uz.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси // lex.uz.

3.4. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – №38-39. 420-модда.

3.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 декабрдаги ПФ–4760-сон “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017 й. – №8. 119-модда.

3.6. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2014 йил 27 июлдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби тўғрисида”ги низоми.

3.7. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 13 августдаги 12 ва 9-сонли қарори билан тасдиқланган “Оғир касалликка чалинган маҳкумларни

тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш” қоидалари.

3.8. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №13. 194-модда.

3.9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 16 февралдаги 695-III-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарорини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

3.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №6. 70-модда.

3.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11-августдаги ПҚ–3200-сонли “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №33. 838-модда.

3.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сонли “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. 243-модда.

3.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги ПҚ–3200-сонли “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №33. 838-модда.

IV. Махсус адабиётлар:

4.1. Байбулатов А. Во имя гумманности // Щит. – 2011. – №1. – С.18–20.

4.2. Дунаев С.А. Криминологическая характеристика и предупреждение рецидивных преступлений, связанных с насилием и против личности. – Москва: МЮИ. МВД России, 1998. – 24 с.

4.3. Гуревич М.О мерах по соблюдению человека в системе исполнения наказаний МВД Республики Узбекистан // Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари бўйича Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2004. – Б. 115–122.

4.4. Жаббарберганов Р. Групповая профилактика преступлений и перспективы исправительных учреждений // “Суд-ҳуқуқ ислохоти: назария ва амалиёт” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2001. – С. 34–36.

4.5. Жаббарберганов Р. Профилактическая работа в местах исполнения наказания // Ҳуқуқ. Право. Law. – 2002. – №2 – С. 26–28.

4.6. Жаббарберганов Р. Система целей уголовного наказания // Давлат ва ҳуқуқ. – 2001. – №4. – С. 56–58.

4.7. Жаббарберганов Р., Худайбергенов С., Рахимов У. Роль психических аномалий, не исключающих вменяемости в преступном поведении несовершеннолетних. // Актуальные проблемы ведомственного здравоохранения. – Т.: Академия МВД, – 2000. – С. 39–46.

4.8. Жаббарберганов Р. Махсус тарбия муассасаларидан кайтган вояга етмаганлар содир қилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг баъзи бир масалалари // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш. – Т.: Академия МВД, – 2001. – С. 62–84.

4.9. Зарипов З., Кержнер М. Профилактика правонарушений. – Т.: Ўзбекистон, – 1993. – С.191.

4.10. Зарипов З.С. Правовой механизм профилактики правонарушений. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – С.155.

4.11. Иноғомов Ш.Х. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинганларнинг жазони ўташ шароитларини таснифлаш ва дифференциалаш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. – Тошкент, 2001. – Б. 191.

4.12. Исламов З. Общество. Государство. Право. – Т.: ТДЮИ, 2001. – С. 651–695.

4.13. Исмаилов И., Юлдашев М., Мирзажонов И. Жиноят-ижроия ҳуқуқи / А.С.Якубовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: ИИВ Академияси, 2006.

4.14. Кадыров Р. Совершенствование правового регулирования и применения дисциплинарных мер к осужденным. – Ташкент, - 2002.

4.15. Кадыров Р.К. О взаимодействии Министерства внутренних дел с парламентом Омбудсманом, обеспечение Конституционных прав человека // Материалы Конференции на тему «Актуальные вопросы взаимодействия Омбудсмана с государственными и неправительственными организациями в сфере обеспечения соблюдения и защита прав человека» (г. Ташкент, 15-16 декабря 2005 г.) / отв. Ред.

С.Ш.Рашидова, Х.Кайзер. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.76–83.

4.16. Кузницова Е. ГУИН: Работа по защите прав человека активизировалась // Щит – 2010. – №2. – С.14-15.

4.17. Мирзажонов К. Амнистия и помилование в уголовной политике – Т. 1991. – С.135.

4.18. Мирзажонов К. Амнистия и помилование как принцип гуманизма в уголовной политике. – Ташкент: Узбекистан, – 1995. – С. 83.

4.19. Рябинин А.А. О дифференциации и индивидуализации. Цит. по: Стручков Н.А. и проблемы совершенствования деятельности органов, исполняющих наказания. – Уфа: Уфим. высш. школа МВД РФ, - 2005.

4.20. Рябинин А.А. Проблемы наказания на новом этапе совершенствования уголовного и уголовно-исполнительного законодательства : монография. – Домодедово: ВИПК МВД России, 2000.

4.21. Муаллифлар жамоаси. Жиноят-ижроия кодексига шарх. Масъул мухаррир: Б.Н.Курбанов. –Т.: Адолат, 2016. – Б.440.

4.22. Федеральная служба исполнения наказаний академия права и управления. Уголовно-исполнительное право: Научный журнал. – 2015. – № 1 (19). ISSN 2072–2427.

4.23. Соколов С.А. Правовое регулирование исполнения наказания в тюрьмах: эволюция и перспективы / дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005.

4.24. Кодекс Латвии об исполнении наказаний (С изменениями, внесенными по состоянию на 31 октября 2002 года).

V. Авторефератлар:

5.1. Ахмадеев А.А. Возникновение и развитие советского исправительно-трудового законодательства и исправительно-трудовых

учреждений в Узбекской ССР (1917–1926 гг.). Автореф. дис. ... канд. юрид. Наук. – Ташкент, 1972.

5.2. Деев В.Г. Психология направленности личности осужденных, отбывающих наказание в ИТУ: автореф. дисс... докт. психол. наук. – М., 1986. – С.34.

5.3. Елеонский В.А. Общественной воздействию в системе средств перевоспитания лиц, осужденных к лишению свободы / Автореф. дисс. психол. наук. – Томск, 1966. – С.23.

4.4. Иногамов Ш.Х. Развитие и совершенствование исправительно-трудового законодательства Узбекской ССР / Автореф. дис. ... канд. юрид. наук – Ташкент, 1975.

5.5. Кадыров Р.К. Проблемы совершенствования правового регулирования и практики применения мер дисциплинарного воздействия на осужденных к лишению свободы. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Т. 2001. – С.23.

5.6. Кривошеев А.П. Функции режима исполнения и отбывания уголовных наказаний, связанных с исправительно-трудовым воздействием: автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Киев, - 1984. – С.24.

5.7. Мирзажонов К. Теория и практика амнистии и помилования: проблемы и решения / Автореф. дис.... юрид. наук. – Ташкент, 1995.

5.8. Мирзабек Р.Ш. Проблемы исполнения наказания в исправительных учреждениях в отношении рецидивистов, совершивших преступления в несовершеннолетнем возрасте / Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1999. – С.25.

5.9. Потоцкий М.К. Правовые и организационно-тактические основы деятельности оперативных аппаратов исправительных учреждений в борьбе с преступностью: автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Москва, Международная Академия информатизации. – 1998.

5.10 Шамансуров А.А. Проблемы законодательного обеспечения пенитенциарной системы республики / Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2001. – С.41.

5.11. Южанин В.Е. Механизм реализации наказания в виде лишения свободы / Автореф. дисс. наук. – М., 1996. – С.17.

5.12. Якубов А.С. Правовая основа учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы / Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – Ташкент, 1996.

VI. WEB ресурслар:

- 6.1. www.lex.uz.
- 6.2. www.akadmvd.uz.
- 6.3. www.alleng.ru.
- 6.4. www.rusfolder.com.
- 6.5. www.yurist-online.net.
- 6.6. www.garant.ru.
- 6.7. www.sovremennoepravo.ru.
- 6.8. www.press-servise.uz